КУТУБХОНАСИ

*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*


# XXI ASR

O'zLiDeP — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 26 январь, пайшанба
04-(428)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI




2012 йил январидан «Afrosiyob» тезюрар поезди ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайдиган бўлди

03 ИСЛОҲОТ



Юртбошимиз томонидан 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» дея ном берилиши жамиятимизда инсон ва унинг манфаатлари — олий қадрият эканини амалда ифода этишнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди

04 ПАРТИЯ ҲАЁТИ




Ҳамюртларимиз томонидан 2012 йилда Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада учун 30 га яқин лицензия қўлга киритилди

10 СПОРТ

**Сиёсий** таълим

## Етук кадрлар — партия таянчи

**ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ЛИБЕРАЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БУГУНГИ БОСҚИЧИДА СИЁСИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗЛАРИ АСОСИЙ ТАРҒИБОТ ЎЧОҒИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК**

Айни пайтда O'zLiDeP сиёсий таълим тизимини сифат жиҳатдан янгилашда Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"га таянилаётгани бежиз эмас. Зеро, айнан ана шу дастурий ҳужжатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг устувор тамойиллари белгилаб берилди. Уни чуқур ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тушунтириш эса партия сиёсий таълим тизими фаолиятининг асосини ташкил этиши лозим.

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши «Сиёсий таълим маркази» томонидан ўтказилаётган барча тадбирлар бугун айнан ана шу мақсадга қаратилаяпти. Бошланғич ташкилот раҳбарлари, депутатлик гуруҳи аъзолари, электорат вакиллари бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаол иштирок этаётган семинарларда етакчи фермерлар, таниқли тадбиркорлар ҳамда олий ўқув юртлари олимлари ҳам иштирок этиб, ўрта қатламни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун янада қулай бизнес муҳити яратишга доир таклифлари, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш хусусидаги мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

2011 йилда вилоят кенгашининг "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти" ҳамда "Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш" маркази сингари тузилмалар билан ҳамкорликда тайёрланган семинар-тренингларда турли бўғинлардаги 500 га яқин депутатлар ва мингга яқин партия фаоллари иштирок этдилар.

7 ▸▸

# Биз танлаган йўл

## СОБИТҚАДАМЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДИР

**2011 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ЎСИШ СУРЪАТИ 8,3 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТИБ, САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 6,3, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ 6,6, ЧАКАНА САВДО АЙЛАНМАСИ 16,4, АҲОЛИГА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЭСА 16,1 ФОИЗГА ЎСДИ**



***Бу оддий рақамлар эмас. Балки ўзбек халқининг мустаҳкам иродаси, юксак ақл-заковати ҳосиласидир. Юртбошимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилган, «инсон ва унинг манфаатлари учун» тамойилига қатъий йўналтирилган ислоҳотларнинг амалдаги самараси, албатта. Бу йилдан йилга кучга тўлиб бораётган Ўзбекистон муваффақиятларининг ёрқин ифодаси ҳамдир.***

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисдаги маърузасини тинглаган ёки ўқиган ҳар қандай инсон ана шундай хулосага келиши табиий. Чунки дастурий маърузада бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун муҳим бўлган долзаб масалалар чуқур таҳлил қилинди, кейинги ўн йилликларга мўлжалланган стратегик мақсадлар белгилаб берилди. Шу боисдан ҳам бугун барча ҳудудларда ана шу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини англаш, унинг туб моҳиятини тушуниш борасида турли муҳокамалар ва фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Мазкур жараёнда ислоҳотлар самараси учун ўзини масъул, деб ҳисоблаган O'zLiDeP вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.***

**Депутатлик** гуруҳлари

## Дастур ижроси юзасидан қандай натижаларга эришилди?

**2011 ЙИЛНИНГ 16 ИЮЛИДА O'ZLIDEP ФАОЛЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЎРИНБОСАРИ Ф.ЗИЯЕВНИНГ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛИБ, ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАРНИ ЗУДЛИК БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЭДИ.
ХЎШ, ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА АНА ШУ ҚАРОР ИЖРОСИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНДИ?**

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, давлат мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси экани таъкидланган эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Концепция талабларидан келиб чиқиб, хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган қонун ва қарорлар ижросини изчил назорат қилмоқда. O'zLiDePнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳи фаолиятида ҳам Президент фармонлари, амалдаги қонунлар ва ҳудудий дастур ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

7 ▸▸



Собир ЖАББОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси:

## РЕЖАЛИ ИШДА САМАРА БЎЛАДИ

**Юртбошимиз маърузасидаги чуқур таҳлиллар ва аниқ ҳисоб-китоблар асосида белгилаб берилган устувор йўналишлар бугунги ва келгусидаги стратегик мақсадлар ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотади. Бу, энг аввало, мустақилликнинг буюк неъмат эканини, истиқлол йилларида қўлга киритилган натижалар миқёсини англашга ёрдам беради.
Буни биргина саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мисолида таҳлил этиб кўрайлик: агар 2000 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди.
Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ташкил этди.
Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилгани натижасида ўтган йили ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, "Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон" қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.**

3 ▸

**Қарор** ва ижро

## Юксак эътибор самараси

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН 2011 ЙИЛНИНГ 27 ИЮНИДА МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИГА ЙЎЛЛАНГАН ТАБРИКДА ОАВГА СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИШ ЛОЗИМЛИГИ ХУСУСИДА БИР ҚАТОР ТАВСИЯЛАР БИЛДИРИЛГАН ЭДИ. «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОР ЭСА АНА ШУ ФИКРЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ТАСДИҒИ БЎЛДИ**

Истиқлол йилларида ОАВни ривожлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати даражасидаги эътибор уларнинг сон ва сифат жиҳатдан ривожланишини таъминлаб берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар 1991 йили Ўзбекистонда 393 та босма ОАВ фаолият юритган бўлса, бугунга келиб улар сони мингдан ортди. Эътиборлиси шундаки, айни пайтда уларнинг 60 фоизга яқини хусусий ва нодавлат нашрларидир. ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Электорон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилгани соҳани йилдан йилга ривожлантириш имкониятини кенгайтирмоқда. Хусусан, улар томонидан 2008-2011 йиллар давомида ННТ ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган юзлаб лойиҳалар амалга оширилиб, жами 21 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози пайтида кўпгина Европа ва МДҲ мамлакатларидаги ОАВ сони қисқариши кузатилган бир шароитда Ўзбекистондаги босма ва электрон нашрлар сонининг муттасил ўсишини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Айни пайтда нашриётлар ва матбаа корхоналари ҳам замон талабларига мос равишда изчил ривожланмоқда. Мустақиллик йилларида эскирган матбаа ускуналари ўрнига замонавий полиграфия технологиялари жорий қилинди. Натижада матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати бир неча марта ўсди.

2 ▸▸

**БУГУНГИ СОНДА:**

Уч тоифага бўлиб ўрганилган давлатлар орасида Ўзбекистоннинг **26** та тез суръатларда ривожланаётган давлатлар рўйхатига киритилгани эса бизга фахр ва ифтихор бағишлайди, албатта. Бундай далиллар яна бир бор «ўзбек модели» халқаро эътирофга сазовор бўлаётганининг амалдаги тасдиғидир. Энг муҳими, ХВЖ ҳам, Жаҳон банки экспертлари ҳам **2012** йилда энг юқори иқтисодий ўсиш Ўзбекистонда кузатилиши ва йиллик ўсиш **8** фоиздан кам бўлмаслигини эътироф этмоқдалар.

9 ▸

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 24 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲ 1895,69 | 1 АҚШ доллари | ▲ 1808,17 | 1 Хитой юани | ▼ 285,52 | 1 Туркия лираси | ▲ 986,78 | 1 Япония иенаси | ▼ 234,71 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ 2810,26 | 1 Миср фунти | ▲ 299,39 | 1 Малайзия ринггити | ▲ 582,34 | 1 Швейцария франки | ▲ 1929,95 | 1 Россия рубли | ▲ 57,79 |
| 1 Дания кронаси | ▲ 313,58 | 1 Исландия кронаси | ▲ 14,58 | 1 Польша злотийси | ▲ 541,24 | 1 ЕВРО | ▲ 2316,82 | 1 Украина гривнаси | ▲ 226,31 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 492,39 | 1 Канада доллари | ▲ 1783,91 | 1 СДР | ▲ 2774,40 | 1 Жанубий Корея вони | ▲ 15,96 | | |

# ҚАРОР ВА ИЖРО

web sayt: www.21asr.uz

## Юксак эътибор самараси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄



Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори:

Республикамиздаги нашриётлар сони эса 9 тадан 104 тага етди. Агар 10 йил аввал мамлакатимизда борйўғи 5 та нодавлат нашриёти фаолият юритган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 57 тани ташкил этмоқда.

Яратиб берилган имтиёз ва шарт-шароитлар туфайли таҳририятлар фаолияти, жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жараёнлар, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати юзасидан чоп этилаётган таҳлилий мақолалар кўпайганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Соҳа вакиллари учун янги имкониятлар тақдим этаётган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарорга кўра, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб ОАВ таҳририятлари, нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имконияти чекланган шахслар учун адабиётларни сотишдан тушадиган фойдадан олинадиган 9 фоизли фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга ҳисобланадиган 8 фоизли солиқ тўловидан озод этилди.

**2008-2011** йиллар давомида ННТ ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган юзлаб лойиҳалар амалга оширилиб, жами **21** млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози пайтида кўпгина Европа ва МДҲ мамлакатларидаги ОАВ сони қисқариши кузатилган бир шароитда Ўзбекистондаги босма ва электрон нашрлар сонининг муттасил ўсишини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Бу имтиёзлар, шубҳасиз, ОАВлар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, ижтимоий-сиёсий, болалар адабиётларининг, шунингдек, имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган адабиётларнинг кўпайишига, нашриётлар фаолиятининг янада ривожланишига, уларнинг иқтисодий салоҳияти ошишига шароит яратиш билан бир қаторда имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари янада кенгроқ таъминланишига замин яратади.

Узоққа бормайлик: 2011 йилнинг ўзида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги нашриётларда 450 номдан зиёд бадиий, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, публицистик адабиётлар чоп этилди. Ўтган йили 2010 йилга нисбатан бадиий адабиётлар 3 баробар, болалар асарлари қарийб 2 баробар кўпроқ нашр қилинди. Биргина "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида йилига ўртача 150 минг нусхадан ортиқ ижтимоий-сиёсий ва 300 мингдан зиёд болалар адабиётлари нашр этилмоқда. Юқоридаги имтиёзлар туфайли эса бундай адабиётларнинг сони ва сифати янада ошишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирга қадар таҳририятлар, нашриёт ва босмахоналар ОАВнинг маҳсулотлари, шунингдек, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Молия вазирлиги ҳузуридаги республика йўл жамғармасига тўланадиган 1,5 фоизли, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратиладиган 0,4 фоизли мажбурий ажратмалар ҳам мавжуд эди. Қарорга асосан таҳририят ва матбаа ташкилотлари юқоридаги тўловлардан бутунлай озод қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 10-15 минг нусхада чоп қилинадиган газеталарда ушбу солиқ имтиёзлари ҳисобига тежаб қолинадиган маблағ бир неча ўн миллион сўмни ташкил қилса, юз минг ва ундан кўп нусхада чоп этилаётган газеталарда бу кўрсаткич қарийб 50-100 милион сўмга етади.

Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан бу тарзда қўллаб-қувватланиши уларнинг том маънодаги иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қарорга асосан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича газета-журналлар, китоб маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган таҳририят ва нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ҳамда полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилди. Бу ҳам ўз навбатида уларнинг иқтисодий имкониятлари кенгайишига, ададининг кўпайишига, ишлаб чиқариш таннархининг эса пасайишига хизмат қилади.

Маълумки, босма нашрларни қоғоз билан таъминлаш доимо долзарб масала бўлиб келган. Қоғоз асосан импорт қилингани боис газета ва журналлар таннархига катта таъсир ўтказади. Шунингдек, нашриётлар учун зарур бўладиган полиграфия бўёқлари, офсет пластинкалари ва резиналари, елим, тикиш материалларини мамлакатимизга олиб киришда 20 фоизли божхона тўловлари тўланар эди. Биргина "Ўзбекистон" нашриёти 2011 йилда 50 номдан ортиқ газета-журналларни 35 миллион нусхада чоп қилиш учун 1,6 минг тоннадан зиёд газета қоғозидан фойдаланган. Уларни олиб келиш учун муайян божхона тўловлари тўланган. Қарорга кўра, нашриётлар энди 5 йил мобайнида импорт полиграфия материаллари учун божхона тўловлари тўламайдиган бўлди. Бу эса ўз навбатида чоп қилинаётган газета-журналлар ва китобларнинг босмахона харажатларини камайтириб, уларнинг сифати янада яхшиланишига олиб келиши шубҳасиз.

Жорий йилдан бошлаб ОАВ ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар типидаги таҳририятлар, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари ва телерадиоэшиттириш компаниялари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилмоқдаки, бу ҳам соҳани янада ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Юқоридаги қарорга кўра, газета-журналлар, китоб маҳсулотларини чакана сотишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 5 бараварига камайтирилди) ўрта ҳисобда 2 бобарбарга пасайтирилишини назарда тутувчи меъёр ҳам киритилган. Дейлик, ҳозирги кунда "Матбуот тарқатувчи" ОАК билан 1000га яқин якка тартибдаги тадбиркор газета, журнал ва китоб маҳсулотларини сотиш бўйича шартнома тузган бўлсалар, энди компанияга мурожаат қиладиганлар сони сезиларли даражада кўпаяди. Бу, шубҳасиз, матбуот ва китоб сотиш билан шуғулланадиган тадбиркорлар сонининг ошишига, ўзаро рақобат муҳитининг кучайишига олиб келади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор Ўзбекистонда ахборот соҳасини либераллаштириш ва демократлаштиришга комплекс ҳамда тизимли ёндашилётганлигининг яна бир яққол далилидир.

Ушбу қарор айни пайтда ОАВларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлароқ намоён қилишга хизмат қилади.

## Янги имтиёз «тўртинчи ҳокимият»га янги имкониятлар беради

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2011 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДАГИ «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН НИҲОЯТДА АҲАМИЯТЛИДИР**



Зилола СОБИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

Зеро, мазкур ҳужжат мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида ўтказилган изчил ислоҳотлар моҳиятини ўзида акс эттирган. Ўтган давр мобайнида соҳага оид ўнга яқин қонун ва қонуности хужжатлари қабул қилингани оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, соҳага илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини берди. Бу эса ОАВнинг жамиятда, давлат ҳокимияти идоралари ва халқ орасида узвийликни таъминловчи асосий бўғин сифатидаги мавқеини янада оширди. Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да таклиф этилган қонунчилик ташаббусларининг қабул қилиниши ҳам алоқа ва телекоммуникация соҳасини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини соҳа мутахассислари алоҳида таъкидламоқдалар. Бундай ташаббусларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши эса оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлароқ рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Қарор оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу ўринда Президент қарорининг, энг аввало, соҳа вакилларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ахборот соҳасини ривожлантиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини кенгайтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унга кўра, жорий йилдан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имконияти чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойда солиғидан, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод қилинмоқда. Шу тариқа бозор муносабатлари, кундан-кунга чуқурлашиб бораётган рақобат муҳити шароитида айни йўналишдаги матбаа нашрларини моддий қўллаб-қувватлашнинг қонуний асослари янада мустаҳкамланаяпти. Ҳозирга қадар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаётган таҳририятлар, матбаа ташкилотлари яратилган имтиёз туфайли беш йил мобайнида ортиб қолган маблағни ўз моддий-техник базасини кенгайтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантиришга сарфлаши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бундай имтиёзлар ОАВ учун янада қулай иқтисодий шароит яратишдан ташқари глобаллашув жараёнларида аҳолини холис ва тезкор ахборот билан таъминлаш, биринчи галда, босма ва электрон нашрларнинг эркинлиги, моддий таъминоти ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашни ҳам кучайтиради. Тезкор маълумот олишга бўлган талабнинг кундан-кунга ортиб бораётгани, боз устига турли манбалар орқали кириб келаётган ахборотларнинг ҳар доим ҳам холис эмаслиги ижтимоий-сиёсий нашрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда болалар адабиётини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда.

**O`zLiDeP** Ҳаракат дастури — амалда

## Ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз

**МАЪЛУМКИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ 3 ЯНВАРДА БЎЛИБ ЎТГАН СЕССИЯСИДА O`ZLIDEP ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН «ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ» МАЪҚУЛЛАНИБ, УНИ ВИЛОЯТ МИҚЁСИДА ОММАЛАШТИРИШГА ҚАРОР ҚИЛИНДИ**

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

Ўрта қатлам манфаатини химоя қилаётган сиёсий партия томонидан ишлаб чиқилган муқобил дастурнинг халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида тўла қўллаб-қувватланиши бежиз эмаслигига фарғоналик ёшлар ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

– Жаҳоннинг кўплаб минтақаларида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз бандлик масаласини энг долзарб масалага айлантирди, – дейди O'zLiDeP «Ёшлар қаноти» фаоли, Фарғона вилоят Ёшлар ташаббуслари марказининг «Келажак овози» маданият ва санъат йўналиши етакчиси Юсуфжон Юсупов. – Шундай бир шароитда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда қўшимча иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида қаралиб, мулкдорларга катта имтиёз ва имкониятлар берилаётгани жуда катта натижа бермоқда. Зеро, бундай ёндашув ислоҳотлар манфаатига тўла мосдир. Фарғона вилоятида айнан ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этишга оид Ҳаракат дастури қабул қилингани эса коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юрти битирувчиларига жуда катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Бу айни пайтда Фарғона вилояти ҳокимлигининг сиёсий партиялар билан ҳамкорлиги қандай натижа бераётганини ҳам кўрсатади.

Зоҳиджон Тўраев, халқ депутатлари Бағдод туман кенгаши депутати, O`zLiDeP «Ёшлар қаноти» аъзоси:

– Бугун ҳақиқатан ҳам ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, уларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ниҳоятда долзарб масаладир. Бу эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия жараёни, дарс машғулотлари, ўқув-тажриба амалиётининг самарадорлигини таъминлаш, ёшларни муқим иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш билан чамбарчас боғлиқ масаладир.

Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги XIII сессиясига қадар бу масала партия фаоллари томонидан чуқур ўрганилди. Имкониятлар ҳар томонлама таҳлил қилинди. Дастурни тайёрлашга иқтисодчилар, турли соҳа эгалари жалб этилди. Натижада бу масалани вилоят кенгашига олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Айни пайтда фарғоналик ёшлар ҳам Ҳаракат дастурига масъулият билан ёндашиб, уни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этишда ўз зиммаларидаги масъулиятни ҳис этмоқдалар. Шу маънода ҳам «Мустаҳкам оила йили»да бу борадаги саъй-ҳаракат ва интилишлар кутилган натижаларни беришига шахсан мен юз фоиз ишонаман.

**Сана**

## 2010 ЙИЛГА НИСБАТАН 889 ТА КЎП




**«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси эртага ўзининг 20 йиллик юбилейини нишонлайди. Шу муносбаат билан компания ҳадемай ўз авиапаркини янги ҳаво кемалари билан тўлдиришни режалаштирмоқда. Жумладан, айни кунларда Тошкент аэропортига узоқ масофага учадиган янги «Boeing-767»нинг қўниши кутилмоқда. Бундан ташқари, компания яқин келажакда яна учта «B-767» ҳамда иккита «B-787-Dreamliner» русумли ҳаво кемаларини сотиб олиш учун шартномалар тузишни мақсад қилган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг маҳаллий ва халқаро йўналишларида «Boeing»дан ташқари «Airbus» туркумига кирувчи «A 310», «A 320», шунингдек, «RJ-85» ҳамда Ватанимиз авиасозлари томонидан ишлаб чиқарилган «Ил-114-100» самолётлари ҳам хизмат кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз.**

**МАК ахборот хизматидан хабар қилинишича, миллий авиакомпания ўзининг 20 йиллик тўйини муносиб кутиб олмоқда. Хусусан, 2011 йил якунларига кўра, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» томонидан жами 24 437 та ёки 2010 йилга нисбатан 889 та кўп рейслар амалга оширилган. 2 млн. 322 нафар йўловчи (2010 йилги кўрсаткичлардан 155800 нафар зиёд) ўз манзилига етказилиб, 2010 йилга нисбатан 2,3 тонна кўп, яъни 48,2 тонна юк ташилган.**

**2012 йил** — Мустаҳкам оила йили

# Меҳр-мурувват марафони

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ, МИЛЛАТИМИЗ ГЕНОФОНДИНИ ЯНАДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ, ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ МАСАЛАСИ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА БЎЛИБ КЕЛМОҚДА**

**Назокат УСМОНОВА,** ЎзА мухбири

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танловлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ҳаёт тарзимизга ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш каби мақсадларга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ҳаёт учун!" республика хайрия форум-марафони ана шундай тадбирлардандир.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасида бўлиб ўтган тадбирда жорий йил баҳорда ташкил этиладиган «Ҳаёт учун!» республика хайрия-марафонини юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур марафон доирасида хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш, аёлларда учрайдиган онкологик хасталикка ташхис қўйиш, профилактика чораларини кўриш ва даволашга оид хайрли ишлар ҳажми янада кенгаяди. Хайрия марафонида аҳолининг турли қатламлари билан бирга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам фаол иштирок этади. Тадбир доирасида алоҳида эҳтиёжлилар учун югуриш мусобақаларининг ташкил этилиши эса жамиятимизда ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмаётганининг яна бир ёрқин ифодасидир. Эзгу мақсадлар йўлида ўтказилган ушбу марафондан тушган маблағлар аёлларни соғломлаштириш, хасталикка чалинган беморларни дори-дармонлар билан таъминлашга йўналтирилмоқда.

— Ўзбекистонда баркамол ёшларни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш, оилалар манфаатларини ҳимоялаш борасида фахрланса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда, — дейди АҚШнинг Сьюзан Комен номидаги саратонга қарши курашиш фонди вакили Донна Сандерсон хоним. — Бундай лойиҳаларда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборга моликдир.

## ЯНГИ ТЎГАРАКЛАР

**Хоразм вилояти Боғот туманидаги умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежларида «Ораста қизлар» тўгараклари ташкил этилди.**

**Бундан кўзда тутилган мақсад ўсмир қизларда шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш кўникмаларини шакллантириш, атроф-муҳит озодалиги ва орасталигига ўқувчилар эътиборини кучайтириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, қизлар ўртасида балоғатга етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, оила муқаддаслиги ва бошқа турли муносабатлар бўйича кенг ва атрофлича тушунчалар беришдан иборат.**

**— Мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширишда халқ таълими ходимларига соғлиқни сақлаш муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими вакиллари яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Матёқубова. — Албатта, олиб борилаётган бундай кенг кўламли ишлар қизларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг оила ҳақидаги билим ва тушунчаларини бойитиш, оилаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

**Қулайлик**



## «AFROSIYOB» ҲАФТАДА 5 МАРТА

**Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланувчи «Afrosiyob» тезюрар поезди 2012 йил январидан ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайдиган бўлди. «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ ахборот хизматидан хабар қилинишича, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган 162/161 рақамли поезд соат 8:15 да Тошкентдан чиқиб, 10:45 да Самарқандга етиб боради. Кеч соат 16:55 да Самарқанддан йўлга чиқиб, соат 19:33 да пойтахт вокзалига кириб келади.**

**Шу ўринда «Afrosiyob» рейсларининг кўпайиши муносабати билан «Шарқ», «Регистон» ва «Насаф» поездлари қатновларига ўзгартиришлар киритилганини ҳам айтиш жоиз.**

# Биз танлаган йўл

## СОБИТҚАДАМЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДИР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

## ИСЛОҲОТЛАР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Шулар қаторида "Зенит электроникс" қўшма корхонасида "Самсунг" кир ювиш машиналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, чангютгичлар сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Муборак газни қайта ишлаш заводи" унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида "MAN" юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди. Бундай чора-тадбирлар туфайли саноат ишлаб чиқариш ҳажми 6,3 фоизга ўсди. Бу эса бир вақтлар умумий эшелондан узиб қўйилган «вагон»га қиёсланган, тез орада иқтисодий-ижтимоий таназзулга юз тутиши «башорат» қилинган Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканига яна бир мисолдир.

Шу ўринда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар барчамиздан улкан масъулият талаб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан мавжуд қонунчиликни таҳлилий қайта кўриб чиқиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилса, ижро ҳокимияти органларига ушбу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш масъулияти юклатилади.

**Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг барча қўмиталари давлатимиз раҳбари маърузасида тилга олинган мақсадларни рўёбга чиикариш бўйича ўз иш режаларига ўзгартиш ва қўшимчалар кирита бошладилар.**

Шу боисдан ҳам бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг барча қўмиталари давлатимиз раҳбари маърузасида тилга олинган мақсадларни рўёбга чиикариш бўйича ўз иш режаларига ўзгартиш ва қўшимчалар кирита бошладилар. Жумладан, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг жорий йилдаги иш режасига тузатишлар киритилиб, маърузада белгиланган устувор вазифалар асосида назорат-таҳлил тадбирларига ўзгартириш киритилди.

## МУТАНОСИБЛИК МЕВАСИ



**Бахтиёр ИМИНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси:

**Юртбошимизнинг Дастуриламал хусусиятга эга маърузаси кенг жамоатчилик орасида бежиз қизғин муҳокамаларга сабаб бўлаётгани йўқ. Чунки унда мамлакатимиз истиқболи билан боғлиқ асосий йўналишлар чуқур таҳлиллар асосида белгилаб берилди.**

Бу, ўз навбатида, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар суръатини ошириш, келгуси режаларимизни аниқ-равшан белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўтган йил якунларига кўра, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,3 фоизни ташкил этди. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичидан ошмади, давлат бюджети профицит билан бажарилди. Эътиборли жиҳати шундаки, айни кунда мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича "ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат" ҳисобланади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, 2011 йилда АҚШда бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 8 фоизни, Россияда 3,5, Буюк Британияда 11, Португалияда 7,3, Грецияда 14 фоизни ташкил этган бир пайтда Ўзбекистон иқтисодиётидаги юксалиш алоҳида эътиборга сазовордир.

Хўш, ушбу ютуқларга эришишнинг асосий омиллари нималарда намоён бўлди? Бунда, энг аввало, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилгани жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди. Ўтган давр мобайнида узоқ муддатли барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва унинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини ошириб боришга жиддий эътибор қаратилди. Бу, ўз навбатида, илғор инновацион технологияларга асосланган янги иқтисодий тизимни шакллантиришга замин яратувчи саноат, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма соҳасида муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш билан узвий боғлиқ жараёнларда акс этмоқда. Хусусан, 2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси эса 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди.

**Маърузада иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга биринчи даражали эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидланди.**

Ана шундай натижаларга қарамай, маърузада иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга биринчи даражали эътибор қаратилиши зарурлиги таъкидланди. Мазкур жараён парламент ва сиёсий партиялардан ушбу мақсадни амалга оширишда ташаббускор бўлишни талаб этади, албатта. Бу, шубҳасиз, дунё миқёсида молиявий инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқдир. Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари маърузада келтирилган ютуқ ва натижаларни акс эттирувчи ҳар бир рақам ва кўрсаткичнинг таг-заминини англаб етишимиз, уларни холисона ва аниқ мисоллар асосида сайловчилар ҳамда электорат вакилларига етказиш ва тушунтиришни долзарб вазифа сифатида белгилаб олишимиз зарур. Бу албатта, «Мустаҳкам оила йили» давлат дастурида кўзда тутилган мақсадлар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилиши лозим. Чунки оила мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан унинг моддий ва маънавий фаровонлиги таъминланганига боғлиқдир. Аҳолининг қарийб 74 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик орқали ўз турмушини яхшилаш имконига эга бўлаётган бугунги шароитда бу, айниқса, муҳимдир. O`zLiDeP олдига қўйилаётган талаб эса мазкур қатлам вакилларининг ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган фаолиятимизни янада жонлантиришдан иборатдир.

## ТАШАББУСКОРЛИК ДАВР ТАЛАБИ



**Абдурашид ЖЎРАБОЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси:

**Давлатимиз раҳбари маърузасида ўтган 20 йилда эришилган ютуқ ва муваффақиятларимиз мазмун-моҳияти очиб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Маълумки, истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳам юксалтириш иқтисодий ислоҳотларнинг бош йўналишларидан бирига айланди. Чунки бу йўналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш, балки мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шу боис ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартлари даражасига етказиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ юртимиз мобиль алоқанинг ривожланиш кўрсаткичи бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаган ўнта давлат қаторидан жой олди. Бугун Ўзбекистонда собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш бўйича катта миқёсдаги дастур амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йилда ҳам телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах–Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиль алоқа ва интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга етди, интернетдан фойдаланувчилар сони эса қарийб 8 миллионни ташкил қилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолини тезкор ва холис ахборотга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби бу соҳада ҳам ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода, Президентимиз Концепциясида баён этилган талаблар асосида 2011 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бир қатор қонунчилик ташаббуслари устида иш олиб борилди. Хусусан, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши соҳани янада тараққий эттириш имкониятларини кенгайтирди.

Маърузада қайд этилганидек, жорий йилда телекоммуникация тармоғи кўламини кенгайтириш, уни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш, узунлиги 172 километрдан ортиқ бўлган Ургут–Шаҳрисабз ва Бойсун–Денов оптик толали алоқа линияси қурилишини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Айни вақтда 89 та янги база станцияларини барпо этиш ҳисобидан симсиз алоқа зонасини кенгайтириш, Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатгичлар ўрнатиш орқали рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш ишларини бажариш асосий вазифалар сирасига киритилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга 2012 йилда 176 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда. Бу амалда соҳани ривожлантириш мамлакатимизнинг стратегик мақсадларидан бирига айланганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари олдига ҳам мазкур йўналишдаги ишларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш устидан кучли парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш вазифаси қўйилмоқда. Зеро, бутун халқимизнинг бугунги ва эртанги тақдирига дахлдор ушбу устувор мақсадларни рўёбга чиқариш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир.

*Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ тайёрлади*

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

web sayt: www.21asr.uz

**Аёллар** қаноти

## Юксак ишончни оқлаш масъулияти

**ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН 2012 ЙИЛГА «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДЕЯ НОМ БЕРИЛИШИ ЖАМИЯТИМИЗДА ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ЭКАНИНИ АМАЛДА ИФОДА ЭТИШНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН НАМУНАСИ БЎЛДИ. ЮРТБОШИМИЗ ТАЪКИДЛАГАНЛАРИДЕК, ОИЛА ҚЎРҒОНИНИНГ ҲАМ ЧИРОЙИ, ҲАМ ЧАРОҒБОНИ БЎЛГАН ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ, УЛАРНИ ҲАМ МАЪНАВИЙ, ҲАМ ИЖТИМОИЙ, ҲАМ СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ АЙНИ ПАЙТДА O`ZLIDEP ФАОЛЛАРИ ЗИММАСИГА ҲАМ АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ**



**Фаридахон АРАББОЕВА,**
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— 2012 йилга шундай ном берилиши, энг аввало, аёлларга давлат миқёсида кўрсатилаётган юксак эътибордан далолат бермоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги Юқори маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Фаридахон Араббоева. — Агар тарихга назар солсак 1998 йил мамлакатимизда «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», янги асрнинг биринчи йилига эса «Оналар ва болалар йили» дея ном берилганини кўрамиз. Албатта, бундай эътиборнинг чуқур тарихий илдизлари ҳам бор. Зеро, юртимизда оилага алоҳида таълим-тарбия маскани сифатида қаралиб келинган. Айни пайтда маҳалламиздаги 3025 нафар аҳолининг 1750 нафардан ортиғини ҳам хотин-қизлар ташкил этади. Пахтаобод тумани Юқори МФЙдаги 500 та хонадонда жами 816 та оила истиқомат қилмоқда. Маҳалла аҳли асосан тадбиркор ва ҳунармандлардан иборат экани эса алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки ёшларимизга ўз оиласи бағрида, келинларга эса фарзандлари тарбиясидан узилмаган ҳолда ишлаш имкони яратиб берилмоқда. «Мустаҳкам оила» ғоясининг ҳаётимизда амалий ифодаланиши унун эса маҳалланинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусан, O`zLiDeP билан ўзаро ижтимоий шерикчилиги яхши самара бераётганини таъкидлашни истардим. Айниқса, ёш оилаларни ҳаётнинг турли қийинчиликларидан асраш, мустаҳкам оёққа туриб олиши учун кўмак беришда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.



**Мавлуда ҚОБУЛОВА,**
Халк депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати, O`zLiDeP аъзоси

— Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам оила мустаҳкамлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланди, — дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати, O`zLiDeP аъзоси Мавлуда Қобулова. — Маълумки, ҳар қандай оиланинг мустаҳкамлиги унинг маънавияти, оиланинг иқтисодий эркинлигига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан O`zLiDePнинг аҳоли орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ишбилармонлик муҳитини яратишга йўналтирилаётган чора-тадбирлари ҳар қачонгидек муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилаётганлиги, оилавий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик асослари такомиллаштирилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса анъана сифатида шаклланиб келаётган оилавий тадбиркорликнинг янада ривожланишига мустаҳкам замин яратади. Бугун вилоятимизда жами 370 мингга яқин оила бўлсада, меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг барчаси иш билан таъминланган, деб бўлмайди. 2011 йилда O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан вилоят сессиясига киритилган «Кичик оилавий бизнесни ривожлантириш» дастурига кўра, ҳудудимизда 128 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган эди. Бугунгача 94 та лойиҳа амалга оширилиб, 465 та янги иш ўрни яратилди. 2012 йилда эса иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ 63615 та янги иш жойлари ташкил этиш белгиланмоқда. Уларнинг 29526 таси хотин-қизларга мўлжалланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўйлайманки, бу жараёнларда маҳаллий кенгашларимиздаги 137 депутатимиз ҳам фаол иштирок этади.



**Маъмура ТУРҒУНОВА,**
Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутати, O`zLiDeP аъзоси

O`zLiDeP фаоли Маъмура Турғунованинг фикрича, ўтган 20 йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг кутилганидан-да зиёд самара бераётганида хотин-қизларнинг ҳам муносиб улуши бор.

— Парламент қуйи палатасида хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилувчи қатор қонунларнинг қабул қилинаётгани жамиятда аёллар фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда, — деди депутат. — Буни ўз тақдирим ва ютуқларим мисолида ҳам кўриб турибман.

Истиқлол йилларида иқтисодиётни эркинлаштириш, мулк ва мулкий муносабатларни шакллантиришга бирламчи эътибор қаратилгани туфайли мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликдан энг кўп манфаатдор қатлам — мулкдорлар синфи шаклланди. Мен ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида мулкдор бўлдим. «Отабой сулоласи Отабек» фермер хўжалигини бошқараётганимга эндигина олти йил бўлишига қарамай, катта ютуқларни қўлга киритдим. Юртбошимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йилида биз, фермерлар учун яратиб берилган шароитлар туфайли хўжалигимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотни етиштиришдан тортиб, техника ва технологияларгача янгилаш имконига эга бўлдик. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, 7 фоизли кредит эвазига янги «МТЗ-80» русумли трактор сотиб олдик. Айни кунда тасарруфимиздаги 70 гектар ерда 35 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

Бу эса эркин ва фаровон жамият қуриш, Ватанимиз салоҳияти ва қудратини, халқимиз турмуш даражасини юксалтириш борасида эришаётган ютуқларимиз янги йилда янада салмоқли бўлишидан далолатдир. Бу борада Наманган вилоят кенгашига сайланган 23 нафар халқ депутатлари, шаҳар ва туман кенгашларига сайланган 93 нафар сафдошларимиз ҳам турли ташаббус ва таклифларни илгари сурмоқдалар.

**Мухтасар қилиб айтганда, «Мустаҳкам оила йили» юртимиздаги барча оилалар, улар бағрида камол топаётган фарзандларимиз учун катта эътибор йили бўлишига шубҳа йўқ. Албатта, бу жараёнларда O`zLiDePнинг сиёсий етук, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этаётган хотин-қизлари ҳам муносиб иштирок этадилар.**

*Наргиза ҚАҲҲОРОВА тайёрлади*

**O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади**

**НАВОИЙ.** O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, партия фаоллари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда асосий эътибор давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Бизнинг йўлимиз мамлакатни демократлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир" номли маърузасининг мазмун-моҳиятини атрофлича ўрганишга қаратилди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар самарадорлиги ҳамда демократик тамойиллар барқарорлигини таъминлаш орқали фуқаролик жамияти қурилиши жадаллашиб бораётганлигини таъкидлаб, бу борада партия дастурий ғоя ва мақсадлари билан боғлиқ вазифаларга тўхталдилар.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Кегейли тумани ёшлари ўртасида партия ғоялари тобора оммалашиб бормоқда. Яқинда O'zLiDeP туман кенгаши томонидан "Козанкеткен" овул хўжалик касб-ҳунар коллежида "Оилавий бизнес – фаровонлик гарови" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, партия фаоллари, тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари иштирок этган тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтириш, бу борада партиянинг дастурий мақсад ҳамда вазифаларини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармон аёллар учун имтиёзли кредитлар ажратишга давлат даражасида аҳамият берилаётганини таъкидлаб, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокларини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларга тўхталдилар. Давра суҳбати давомида хотин-қизлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоблар олишди. Уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун зарур йўл-йўриқ ва тушунчалар берилди.

**Ёшлар** қаноти

## Қарс икки қўлдан чиқади

**2008 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ O'ZLIDEP АЪЗОЛАРИ ОРАСИДА ЁШЛАР 4305 НАФАР ЁКИ ЖАМИ АЪЗОЛАРИНИНГ 47 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, БУГУН УЛАР СОНИ 5529 НАФАРГА ЁКИ 49 ФОИЗГА ЕТДИ**



Кўриниб турибдики, партия сафидаги ёшлар йилдан-йилга ортиб боряпти.

Мухбиримиз O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Илҳом Тўрахоновга «Ёшлар қаноти» фаолиятига доир қатор саволлар билан мурожаат қилди.

— Дунёда глобаллашув жараёнлари кечаётган бир пайтда ҳар биримиздан янгича талаблар асосида ишлаш тақозо этилмоқда. Шу нуқтаи назардан "Ёшлар қаноти" зиммасига жуда катта масъулият юклатилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини янги авлод вакилларига етказиш энг долзарб вазифалардандир. Бунда партиянинг ташкилий-таркибий тузилмасига кўра вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларида ташкил этилган "Ёшлар қаноти" гуруҳларига фаол ва ташаббускор, энг муҳими, замон билан ҳамнафас руҳдаги ёшларни жалб этиш устувор вазифадир.

Хусусан, 2011 йилда O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши томонидан ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, сиёсий билим ва кўникмаларини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлашга қаратилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ана шундай мақсадларга қаратилди. Унда қатнашган 45 нафар иштирокчининг 11 нафари банклардан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни қўлга киритдилар. Лойиҳа доирасидаги ўқувларда Қибрай, Зангиота ва охангаронлик ёш тадбиркорлар иштироки юқори бўлганини алоҳида кайд этиш мумкин.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасида ўтказилган «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танлови ҳам ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантиришга хизмат қилди, дейиш мумкин. Ушбу танловнинг туман ва шаҳар босқичларида жами 239 нафар талаба қатнашган бўлса, ғолиб деб топилган 40 нафар йигит-қиз вилоят босқичларида иштирок этдилар. Айниқса, Охангарон ва Янгийўл туманлари ҳамда Ангрен шаҳар босқичлари қатнашчиларининг иқтидор ва салоҳияти кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлганини таъкидлаш мумкин. Танлов ғолиблари — 3 нафар ёшлар эса республика босқичида иштирок этдилар.

Шунингдек, ўтган йил давомида O`zLiDeP «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан ёшларнинг ҳуқуқий билими ва онгини ошириш, уларнинг давлатимиз ва жамиятимизнинг янада демократик ривожланишига оид таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Ёшлар ва қонунчилик» лойиҳаси асосида уларнинг фикр-мулоҳазалари мунтазам ўрганилди. 2011 йилда ёшлар томонидан ҳудудий ва умумий миқёсдаги 80 дан ортиқ таклифлар жамланиб, партия фаоллари билан ҳамкорликда тегишли ташкилотларга тақдим этилгани ҳам вилоят ёшларининг фаоллиги ортиб бораётганини кўрсатиши мумкин.

**Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида жами 239 нафар талаба қатнашган бўлса, ғолиб деб топилган 40 нафар йигит-қиз вилоят босқичларида иштирок этдилар. Айниқса, Охангарон ва Янгийўл туманлари ҳамда Ангрен шаҳар босқичлари қатнашчиларининг иқтидор ва салоҳияти кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлганини таъкидлаш мумкин.**

**— Ёшларни партия аъзолигига қабул қилиш борасидаги ишлар қай даражада амалга оширилмоқда?**

— Айни пайтда O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши қуйи бўғинларга, айниқса, уларда кўпроқ ёшлар фаолият юритишига эътибор қаратмоқда. Жойларда, хусусан, касб-ҳунар коллежлари, лицей ҳамда олий ўқув юртларида ўтказилаётган тадбирларда ҳам ёшлар билан ҳамкорликни кучайтириш масаласи диққат марказимизда турибди.

Шу ўринда ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, улар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш асосан бошланғич ташкилотлар орқали амалга оширилаётганини таъкидлаш мумкин. Бунда бизга маҳаллий кенгаш депутатлари ва тадбиркорлар кўпроқ ёрдам кўрсатмоқдалар. Жумладан, партия фаолларидан чинозлик тадбиркор Анвар Бўриев, Янгийўл туманидаги "Янгийўл Интерком" БПТ раиси Фурқат Алимжонов, пискентлик тадбиркор, туман кенгаши депутати Дилафрўз Рашидова сингари фаолларимиз ҳар йили вилоят миқёсида ташкил этилаётган мингдан ортиқ янги иш ўрни яратишда бошқаларга ўрнак бўлаяптилар. Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан турли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда вилоятнинг Оққўрғон, Чиноз, Янгийўл туманларида меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, уларда жойлардаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан қарийб 3 мингга яқини иш билан таъминланди.

**— Тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёки эндигина фаолият бошламоқчи бўлган ёшларга қандай амалий ёрдам кўрсатиляпти?**

— Тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлган ҳар қандай шахс, энг аввало, иқтисодий-ҳуқуқий билимларга эга бўлиши лозим. Шу боис ҳам "Ёшлар қаноти" томонидан тадбиркорликни бошлаш истагидаги ёшлар учун турли мавзуларда ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Мисол учун, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчи талабаларига бизнес ва унинг моҳияти, бизнес-режа тузиш, тадбиркорлик маҳорати ва кўникмаларидан сабоқ берилаяпти. Шу ўринда Зангиота туманининг Келес шаҳарчасида ёшларга бизнес-режа тузиш, тадбиркорлик маҳорати ва сир-асрорларини ўргатишга ихтисослашган «Бизнес мактаби» фаолияти йўлга қўйилганини таъкидлаш мумкин. Айни пайтда бу ерда тумандаги коллеж ўқувчилари ва битирувчи ёшлар учун бепул ўқув дарслари ҳамда семинарлар ташкил қилинаяпти.

**— Таҳлиллар партия сафига қабул қилинган ёшлар сони ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ уларнинг барчаси ҳам ўзларини партиянинг келажаги, ишончли таянчи эканини ҳис этаяпти, дея оласизми?**

— Келинг, аввал сон масаласига тўхтайлик. Рақамларга мурожаат қилсак, 2008 йилда O'zLiDeP аъзолари орасида ёшлар 4305 нафар ёки партия аъзоларининг 47 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 5529 нафарга ёки 49 фоизга етди. Туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлар таркибида ҳам 22-25 ёшгача бўлган вакиллар кўпчиликни ташкил этади. Туман кенгашлари сессияларида ҳам кўпроқ ёшларнинг жойлардаги муаммоли масалаларини кўтариб чиқаётганлари эса саволингизнинг иккинчи қисмига жавоб бўлиши мумкин.

Тўғри, барча тенгдошларимизни бирдек ташаббускор, қатъиятли ва партиянинг мақсад ва вазифалари учун бор имкониятини ишга соладиганлар қаторига қўшиш қийин. Лекин биз ёшлар билан қунт қилиб ишласак, улар иштирокида ташкил этаётган тадбирларимизнинг сони эмас сифатига кўпроқ эътибор қаратсак, яъни барча бўғинлардаги фаолларимиз ёшлар билан ишлаш ортга суриб бўлмайдиган устувор вазифа эканини ҳис этсалар, партия улар учун ҳақиқий суянч эканини англаб етадилар. Афсуски, таҳлиллар бугун вилоятнинг Бўка, Бўстонлиқ туманлари ва Бекобод шаҳарларида ёшлар йўналишида ташкил этилаётган айрим тадбирларимизда сифат эмас, балки сон кўрсаткичи устувор бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

*Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга*

# BOSHLANG`ICH PARTIYA TASHKILOTLARIDA

2012 йил 26 январь, пайшанба
04-(428)-сон
e-mail:
axborotXXIasr@yahoo.com,
XXI_ASR@yahoo.com

## Миробод тажрибаси

**O`ZLIDEP МИРОБОД ТУМАН КЕНГАШИДА «КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА» ШИОРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИНМОҚДА**

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»



Таҳлилчилар туман кенгашидаги 3354 нафар партия аъзосини бирлаштириб турган 108 та бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов конференцияларида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ўз фаолиятини қайта кўриб чиқаётганини бежиз таъкидламаяптилар.

Бу борада кенгаш қуйи бўғинлар фаолиятини кескин жонлантириш, партия сафларини ёш, иқтидорли кадрлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кенгаш ходимларига бириктирилган бошланғич ташкилотларда ҳар ойда икки марта учрашувлар ўтказиш ҳам анъанага айланди. Уларда БПТлар иш режасининг ижроси, ҳужжатларнинг тўғри юритилиши ва аъзолар сонини кўпайтириш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Бу, ўз навбатида, O`zLiDeP Миробод туман кенгашидаги бошланғич партия ташкилотлари сонининг кўпайиши ва турли соҳа вакилларини партия сафларига жалб этиш жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир. Ҳар чоракда аъзолар сони ўртача 90 нафарга ошиб, янги БПТлар ташкил этилаётгани эса кенгашнинг бу йўналишдаги ишлари жонланганидан далолат беради.

Бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг ташаббускорлигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» билан ҳамкорликда ўтказилаётган семинар-машғулотларда эса Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқадиган вазифаларни доимий тарзда таҳлил этиш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Кенгашнинг «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ молия муассасасидаги бошланғич ташкилотида «Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асоси» мавзуидаги давра суҳбатлари ҳам демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалаларига бағишланаяпти.

Ҳеч кимга сир эмас: партия фаолларидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ўз вақтида ечим топишда доимо олдинги сафда бўлиш талаб этилади. Чунки бу жиҳат тўғридан-тўғри электорат вакилларининг ишончини қозонишга хизмат қилади. Аҳоли бандлик даражасини ошириш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳам ана шундай вазифалар сирасига киради.

— Банкимиз қошида тузилган БПТ тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бирламчи эътибор қаратмоқда — дейди «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ бошланғич ташкилоти раиси Камол Турдиев. — Ҳозир хусусий секторни рағбатлантиришга оид қатор номинациялар бўйича кўрик-танловлар ўтказаяпмиз. Бундан ташқари, банк ўқув марказида турли семинарлар ҳам ташкил этилмоқда.

O`zLiDeP Миробод туман кенгаши раиси Равшан Фозиловнинг фикрича, кенгашда 2011 йилда йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилиб, 2012 йил режаси ишлаб чиқилди. Унда асосий эътибор оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳаллаларда бизнеснинг ана шу шаклини изчил ривожлантиришга кўмаклашиш, пировардида эса «Мустаҳкам оила йили» учун тайёрланаётган давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга қаратилаяпти. Бу жараёндаги асосий натижага эса бошланғич ташкилотлар фаолияти орқали эришилади. Р.Фозилов, шунингдек, мавжуд имкониятлар билан Миробод туманида ҳар қандай масалада ўрнак бўла оладиган бошланғич ташкилотлар ишини йўлга қўйишда етарли куч борлигини таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда, O`zLiDeP Миробод туман кенгашидаги БПТлар фаолияти 2012 йилда сиёсий тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтиришга, оилавий бизнесни ривожлантиришда фаоллик кўрсатишга қаратилмоқда. Бу тажрибани эса бошқа ҳудудий ташкилотлар ҳам оммалаштирсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

## «Қўштегирмон»лик ташаббускор фермер

**ШЎРЧИ ТУМАНИДАГИ «МУҲИДДИН» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ, O`ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ РАИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ МЕНГЗИЁ ЙЎЛДОШЕВ ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ — ПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЁТГАН ТАШАББУСКОР ФЕРМЕРЛАРДАН**

**Фарҳод ТОШБОЕВ,**
«XXI ASR»

Айни пайтда ташаббускор фермер хўжалигидаги 28 нафар ишчи-хизматчининг 25 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Бу йил БПТ тузилганига 7 йил бўлади.

Менгзиё Йўлдошевнинг асл касби ҳисобчи. Фермер сифатида меҳнат қилаётганига ҳам ўн беш йилдан ошди. Бу давр ичида "Муҳиддин" фермер хўжалиги иқтисодий жиҳатдан юксалиб, илғорлар сафидан мустаҳкам ўрин олди. Ғалла ва пахта етиштиришга ихтисослашган хўжалик ўз зиммасидаги мажбуриятларни ҳам ортиғи билан бажараяпти.

— Хўжалигимиз қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ўзига хос тажриба тўплаган, — дейди М.Йўлдошев. — Уларнинг самарали меҳнати эвазига ҳар йили яхшигина даромад олаяпмиз. Фойданинг бир қисми ҳомийлик учун сарфланмоқда. Шунингдек, деҳқоннинг таянчи ҳисобланган техникаларни харид қилаяпмиз.

2010 йилда 68 гектар майдонда пахта, 33 гектар майдонда ғалла парваришлаб, белгилаган режаларини ортиғи билан уддалаган фермер олинган соф фойданинг бир қисмини туманда болалар спортини ривожлантиришга йўналтирди. Тарихий обидаларни реконструкция қилишга ҳам молиявий кўмак берди. Ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчилари учун эса тўрт тонна буғдой ажратди. Об-ҳаво инжиқ келган бу йилги мавсумда эса 37,2 гектар майдонда "Крошка" навли ғалла парваришлаб, 160 тонна сара дон йиғиб олди. Гектарлар ҳосилдорлиги 50 центнерни ташкил этди. Режадан ортиқ етиштирилган 59 тонна дон эса фермер ихтиёрида қолди. 61 гектар майдонда парваришланган "Бухоро-102" навли ғўзадан 166 тонна сифатли хом ашё териб олинди.

— Бошланғич партия ташкилотимизда ўтказилаётган учрашув ва сиёсий ўқувлар ҳам жамоамизни бир мақсад йўлида меҳнат қилишга даъват этмоқда, — дейди БПТ раиси. — Натижада сиёсий етук аъзоларимиз фермерлик ҳаракатининг туб моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиб, ютуқларимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу йилгидек об-ҳаво ноқулай келган шароитда деҳқонларимизнинг сувдан тежаб фойдаланиши ва мавжуд агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариши ютуқларимиз омили бўлди. Ҳозир хўжалигимизда иккита ҳайдов трактори, битта культиватор, тўртта юк ташув транспорти бор. Техника деҳқоннинг қаноти бўлгани учун ҳам бу йил яна битта янги трактор харид қилишга келишиб олдик.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутати, хўжалик бошланғич партия ташкилоти раиси Менгзиё Йўлдошев эндиликда паррандачиликни ривожлантиришга ҳам киришди. Бунинг учун 30 минг бош паррандага мўлжалланган товуқхона тубдан реконструкция қилинмоқда.

—Фермер хўжалигимиз "Қўштегирмон" маҳалласида жойлашган, — дейди O`zLiDeP аъзоси, хўжалик ҳисобчиси Тўлқин Бобоназаров. — Етти хазинанинг бири — паррандачиликни йўлга қўйиш биз учун кони фойда бўлади. Бу ерда зотдор товуқ парваришланиб, парҳез гўшт етиштирилади. Олинадиган тухумнинг бир қисми қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлайдиган хусусий корхоналарга, қолгани аҳолига етказиб берилади.

Ҳа, "Муҳиддин" фермер хўжалигида яна бир янги тармоқ — паррандачилик йўлга қўйилди. Бу ерда ўндан ортиқ янги иш ўрни барпо этилиши эса бошланғич партия ташкилоти аъзолари сонининг янада ортишига ҳам олиб келади.

> — Бошланғич ташкилотда ўтказилаётган сиёсий ўқувлар жамоамизни бир мақсад йўлида меҳнат қилишга ҳам даъват этмоқда, — дейди БПТ раиси. — Натижада сиёсий етук аъзоларимиз фермерлик ҳаракатининг туб моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиб, ютуқларимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

## Нуристонлик либераллар таклифи қўллаб-қувватланди

**ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ УНИТАР КОРХОНАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИДА O`ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ АЪЗОЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР**




**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI ASR»

Нуристон шаҳарчасида 12 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти Талимаржон иссиқлик электр станциясининг ишчи-хизматчиларидир. Шаҳарчада алоҳида шифохона йўқлиги сабабли кўп йиллардан буён аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савияси талаб даражасида эмас эди. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти аъзоларининг навбатдаги йиғилишида ана шу муаммога муносабат билдирилиб, қурилиши тугалланмаган иншоотини битказишга кўмаклашиш учун корхона раҳбариятига мурожаат қилинди. Натижада жорий йилда қурилиш ишлари якунланиб, 150 ўринли шифохона аҳолига хизмат кўрсатадиган бўлди.

Шаҳарча аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида «Спорт-соғломлаштириш мажмуаси» ҳам барпо этилди.

— Партиямизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳали олдимизда катта вазифалар турибди, — дейди БПТ раиси ўринбосари, корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Ашиpов. — O`zLiDeP бошланғич ташкилоти амалга ошираётган ишларни давр талаблари даражасида такомиллаштиришимиз лозим, албатта.

6 ▸▸

### Модернизация ҳисобига янги иш ўринлари

**Марғилон шаҳридаги «Алоҳида гўшт маҳсулот» МЧЖ жамоаси томонидан сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

**— Тадбиркорлар учун яратилган қулай бизнес муҳити туфайли ўтган йили 2300,1 млн. сўмлик колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқардик, — дейди корхона раҳбари Муҳаммаджон Раҳимов. — Корхонанинг технологик жиҳатдан қайта жиҳозлангани ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришга имкон берди. Режаларимиз амалга ошгач, яна 15 та янги иш ўрни очилади.**

*Муҳаммаджон МАҲМУДОВ*




XXI ASR ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

СИЗНИНГ ЭРКИН ВА ИШОНЧЛИ МИНБАРИНГИЗ ЭКАНИНИ УНУТМАНГ!

Обуна давом этмоқда

# Нуристонлик либераллар таклифи қўллаб-қувватланди

Давоми. Бошланиши 5-саҳифада◄◄

Бугунги куннинг асосий шарти — ўртага қўйилган вазифаларни тўлақонли амалга оширишда масъулликни ўз зиммамизга олиш, ғайрат-шижоатли ва фаол бўлишдан иборатдир. Партия аъзоларининг катта қисми ёшлардан иборат. Улар ўртасида турли танлов ва мусобақалар ташкил этаяпмиз. Партия фаоллари ташкилотчилигида шаҳарчамиздаги маданият саройи қайта таъмирланиб, «Ёшлар маркази»га айлантирилди. Биз фуқаролик жамияти асослари, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш борасида қатор ишларни амалга ошираяпмиз. Айниқса, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ёшларнинг орзу-ўйлари, қизиқишлари ва муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.





Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам бошланғич ташкилот зиммасида. Ушбу мақсадлар учун ҳар йили каттагина маблағ сарфланади. Жамоа аъзолари мунтазам равишда янги махсус кийим-бош билан таъминланади. Тиббиёт пункти туну кун хизматда. Ҳар йили 100 нафар ходим республикамизнинг энг яхши сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклаб қайтишади.

БПТ раиси Алишер Эшмўминов ушбу фикрларга қуйидагиларни қўшимча қилди:

— Мамлакат электр саноатида ўзига хос ўрин тутган корхонамизда қўлга киритилаётган ютуқларга партиямиз аъзолари муносиб ҳисса қўшиб келишаяпти. Улар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатда бўлиб, ислоҳотлар самарадорлигини оширишда фаоллик кўрсатишмоқда. Электорат билан ҳамкорликни кенгайтиришга, одамларни бунёдкорлик ишларига даъват этишга интилишаяпти. Партиямиз ғояларининг ислоҳотларга монандлиги туфайли сафдошларимиз сони ортаётир. Ҳаётидаги муаммоларни кимдандир кўмак сўраб эмас, балки тадбиркорликни ривожлантириш, билим ва тажрибани, интеллектуал қобилиятни ишга солган ҳолда бартараф этиш юзасидан тарғибот ишларини кучайтираяпмиз. Бошланғич ташкилотнинг ҳар бир йиғилишида иштирок этиб, амалга ошириладжак тадбирлар юзасидан фикр-мулоҳазаларимни билдиришни партиявий бурчим, деб биламан. Зеро, биз нафақат ишда ва партиявий соҳада, балки ҳаётда ҳам барчага ўрнак, ташаббускор ва тадбиркор бўлишимиз керак.

Бошланғич партия ташкилоти учун катта хона ажратилган. Ундан сиёсий адабиётлар, партиянинг дастур ва низомлари, «XXI asr» газетасининг тахламлари, депутатлар ва O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳаётига оид маълумотлар ўрин олган. Шинам, ёруғ ва кенг хонага киришингиз билан бу ердаги кўргазмали воситалар орқали O`zLiDePнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўласиз. Партия фаолларидан Бахтиёр Шарипов, Абдубаҳром Худойқулов, Соат Чоршанбиев, Шуҳрат Алиқулов, Шодибек Умрзоқов ва бошқалар тез-тез корхона цехлари ва туман маҳалларида бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини одамлар онгига етказиш учун ғоявий-сиёсий ишларни самарали ташкил этишмоқда.

Ҳа, нуристонлик нурчилар эришаётган барча жабҳадаги муваффақиятларда бошланғич партия ташкилоти фаолларининг хизмати катта. Улар ижтимоий муаммоларни ҳозиржавоблик билан ҳал этиб, эл-юрт манфаати йўлида куч-ғайратни аяшмаяпти. БПТ ишчи-хизматчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат шароитини янада яхшилашда яқин кўмакчи вазифасини ўтаётир. Аҳиллик ва ҳамжиҳатликни ўз шиорига айлантирган партиядошлар ғоявий-сиёсий фаолликни ошириб, корхона манфаатлари йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

# Марказ ишбилармон ёшларга йўл кўрсатаяпти

**O`ZLIDEP ФАРҒОНА ШАҲАР КЕНГАШИ АҲОЛИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШОХОБЧАЛАРИ ВА ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ОЧИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА**

**Ўз мухбиримиз**

Айни пайтда бундай БПТлар сони шаҳарда 32 тани ташкил қилади. Улар орасида кўпчилик эътиборига тушган кичик бизнес субъектларидан бири — "Ифатли келин" ўқув-хизмат кўрсатиш марказининг Фарғона филиалидаги БПТнинг алоҳида ўрни бор, десак муболаға бўлмайди.

Мазкур филиал 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, бир йил ўтгандан кейин бу ерда бошланғич ташкилотга асос солинган. Айни пайтда филиалда 15 нафар тажрибали устозлар ёшларга миллий ва замонавий касб-ҳунар сирларини ўргатмоқдалар. Улар орасида Мамлакатхон Юсупова, Назирахон Тожибоева, Гулчеҳрахон Собирова, Зулхуморхон Рўзибоева сингари ўз касбининг моҳир усталари бор.

— Марказимиз ёшларга касб-ҳунар ўргатишдан ташқари, турли кўрик-танловларда совринли ўринларни ҳам эгаллаб келмоқда, — дейди БПТ етакчиси Наргизахон Йўлдошева. — Масалан, охирги 4 йил мобайнида "Таълим ва мутахассислик" халқаро танловида мунтазам биринчи ўринни эгаллаб келаяпмиз. — Бунда бизга O`zLiDeP шаҳар кенгаши билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатаётганимиз жуда қўл келаяпти. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган ғоялар, шу асосда қабул қилинаётган қонунлар таҳлилига бағишланган ўқув-семинарлар жуда қизиқарли ва фойдали бўлди. Улардa олган билимларимиздан дарс жараёнларида ҳам фойдаланаяпмиз. Чунки шогирдларимиз мамлакатимизда ёшларга яратилаётган қулай шарт-шароит, янги қонун ва фармонларга катта қизиқиш билан қарайдилар.

Шу ўринда ушбу марказ ўз фаолиятини янада кенгайтиришга ҳаракат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аммо бир қатор муаммолар ҳам борки, уларни ҳал қилишда O`zLiDeP шаҳар кенгашининг амалий ёрдамига умид боғланмоқда. Жумладан, марказ аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш учун замонавий технологиялар олиб келиш режасини ишлаб чиққан. Уларни амалга ошириш учун эса ҳомийлик ёрдамига эҳтиёж сезилмоқда. Шунингдек, марказ шу кунгача эски бинода ижарада иш олиб бораяпти. Агар шаҳар марказидан ер олиб, барча қулайликларга эга бўлган янги бино барпо этилса, марказ фаолияти янада яхшиланган бўларди. Бу режалар атрофлича ўрганилиб, халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳига юборилди.



Хулоса қилиб айтганда, "Ифатли келин" ўқув-хизмат кўрсатиш марказидаги БПТ ана шундай саъй-ҳаракатлар билан ёшларни партия сафига жалб этиш, бўлажак кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эришмоқда.

**Фермерлик** ҳаракати қишлоқда ҳал қилувчи куч

# Фермернинг ютуғи

**КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ «ДИЛ АЛИШЕР АУШ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАИСИ АЛИШЕР МАВЛОНОВ БУНДАН УЧ ЙИЛ АВВАЛ O`ZLIDEPГА АЪЗО БЎЛГАНДИ**

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI ASR»

Бугун хўжаликнинг 15 га яқин ишчиси ҳам партия аъзоси сифатида унга кўмакдош бўлмоқда. Бригадир Нарзулла Мавлонов, механизаторлар Шайдулла Раҳмонов ва Равшан Алиқулов хўжалик тузилгандаёқ у билан бирга партия аъзолигига қабул қилиниб, Алишер Мавлоновнинг елкадошига айланганлар.

— Фермерларнинг партия аъзоси эканликлари уларга катта сиёсий имкониятлар эшигини очади, — дейди Алишер Мавлонов. — Чунки бугунги кун талабларига жавоб бериб, тадбиркорликни ривожлантираётган, ўз ижтимоий позициясига эга илғор аҳоли қатламлари доимо қолганларга ибрат ва намуна бўлиш билан бирга аҳоли орасида партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда фаол иштирок этадилар. Қолаверса, партия сафларидаги фермерлар бугунга келиб ўз маҳалладошлари ва ҳамқишлоқларига ўрнак бўлишаётгани, қишлоқда етакчи кучга, ўзига хос сиёсий-иқтисодий локомотивга айланишаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Таъкидлаш керакки, партиявий топшириқларда тобланган фермерлар ўз ишларини тўғри режалаштириш ва қонуний ҳуқуқ-имтиёзлардан фойдаланиш малакаларини ҳам оширишмоқда. Бундай фермерлар асосий вазифалари бўлмиш деҳқончилик ва чорвачиликда муваффақиятларга эришаётганлари, бошқа ҳамкасбларидан бир қадам олдинда кетишаётгани ҳам ажабланарли ҳол эмас аслида.

— Истиқболда, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, фермерлар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадида уларнинг қонуний манфаатларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича юқори партия ташкилотларига тегишли таклифлар беришни йўлга қўйиш ниятимиз ҳам йўқ эмас, — дейди Алишер Мавлонов. — Зеро, сиёсий партиямиз тадбиркорлар қатламининг манфаатини ҳимоя қилишга асосий вазифа сифатида қараётган бир шароитда, фермерларнинг истак ва эҳтиёжларини биз фермерлар ҳаммадан кўра яхшироқ тушунамиз, деб ўйлайман.

Тан олиш керакки, «Дил Алишер АУШ» фермер хўжалиги давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш йиллик режасини ортиғи билан бажариб келаётган илғор хўжаликлардан бири. Фермер хўжалиги раиси ёш бўлишига қарамасдан, пахтачилик ва ғаллачиликнинг сир-асрорини кекса деҳқонлардан кам билмайди.

— Асосан пахта ва ғалла етиштирамиз, — дейди фермер хўжалиги раиси Алишер Мавлонов. — 2005 йилда фермер хўжалигимиз ихтиёрига берилган 64 гектар ерда иш бошлагандик. Ўша йили 39 гектар майдонга пахтанинг «Оқдарё» навидан экиб, 27 центнердан ҳосил кўтардик. Буғдойнинг «Крошка» нави экилган далаларда гектаридан 50-55 центнердан ғалла етиштирдик. Деҳқончилик шундай мураккаб соҳаки, ер бугун ишлов беришингизни истаяптими, эртани кутиб турмаслик керак. Мавсумда ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш деҳқондан катта маҳорат талаб этади. Қолаверса фермернинг иш қуроли ҳам соз бўлиши керак. Ҳар йилги фойдадан олган техникаларимиз сони ҳозирда 4 тага етди. Ерга ишлов бериш учун зарур бўлган чопиқ ва ҳайдов тракторларимиз оғиримизни енгил қилмоқда. Яқинда Самарқанддаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси билан янги техникалар олиш учун шартномалар туздик. 2011 йилда ғалла ҳосилидан олган даромадимиздан ҳайдов тракторлари олиш ниятимиз бор. Бундан ташқари, транспорт тракторлари, 2 та тиркама, дори пурковчи ОВХ-60 техникасини харид қилишни ҳам режалаштирганмиз.

Маълумки, барча соҳалар қатори аграр соҳага ҳам ҳукуматимиз томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Хўжалигимизда экин майдонининг 86 гектарга етгани, 2007 йилдан буён давлатга фақат олий навли уруғлик ҳосил етиштириб бераётганимиз шу эътибор ва ғамхўрлик самараси, деб ўйлайман. Биргина ўтган йилда 53 гектар майдонга пахтанинг «Омад» навини экиб, 50-55 центнердан ҳосил олиб, режани 121 фоизга уддаладик. Ўттиз етти гектар майдонга буғдойнинг «Ўзбекистон-99» навли буғдой уруғи экиб, 42 центнердан хирмон кўтардик. Табиийки, меҳнатимизга яраша фойда кўряпмиз: 40 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олдик.

...Оиладаги тинчлик ва хотиржамлик ҳар бир касб эгасининг ишига унум бағишлайди. Биз ҳам турмуш ўртоғим Баҳора Холмуродова билан икки фарзандни вояга етказаяпмиз. Катта қизимиз Моҳинур 2011 йилдан мактабга қатнай бошлади. Кичик ўғлим Аббосжон ҳали беш ёшда. Юртбошимиз ташаббуси билан туманимизда ҳам янги лойиҳа асосида замонавий турар-жой биноларикурилаётганидан хабар топганимизда бир яхши ният қилиб қўйгандик. Ўзаро маслаҳат қилиб, келгуси йили қуриб фойдаланишга топшириладиган ҳовлиларнинг тўрт хоналигидан олишга қарор қилдик. Деҳқончилик ва қишлоқнинг оғир ҳамда қулайликлардан ҳоли ҳаётида менга елкадош бўлган, мени қўллаб-қувватлаган оила аъзоларим янги, замонавий ва барча қулайликларга эга бундай уйда яшаб, бор чарчоқ ва машаққатларини унутишса, ажаб эмас...

Қишлоқда ҳал қилувчи куч бўлган фермерлар бугунга келиб ўз маҳалладошлари ва ҳамқишлоқларига ўрнак бўлишаётгани, қишлоқда етакчи кучга, ўзига хос сиёсий-иқтисодий локомотивга айланишаётгани ҳам айни ҳақиқат.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили ▼

# ЯНГИ ТЎГАРАКЛАР

**Хоразм вилояти Боғот туманидаги умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежларида «Ораста қизлар» тўгараклари ташкил этилди.**

**Бундан кўзда тутилган мақсад ўсмир қизларда шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш кўникмаларини шакллантириш, атроф-муҳит озодалиги ва орасталигига ўқувчилар эътиборини кучайтириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, қизлар ўртасида балоғатга етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, оила муқаддаслиги ва бошқа турли муносабатлар бўйича кенг ва атрофлича тушунчалар беришдан иборат.**

**— Мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширишда халқ таълими ходимларига соғлиқни сақлаш муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими вакиллари яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Матёқубова. — Албатта, олиб борилаётган бундай кенг қўламли ишлар қизларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг оила ҳақидаги билим ва тушунчаларини бойитиш, оилаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

*Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири*

«XXI ASR» ● 2012 йил 26 январь, пайшанба, 04-(428)-сон, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА

web sayt: www.21asr.uz

## Нуристонлик либераллар таклифи қўллаб-қувватланди

Давоми. Бошланиши 5-саҳифада◄◄

Бугунги куннинг асосий шарти — ўртага қўйилган вазифаларни тўлақонли амалга оширишда масъулликни ўз зиммамизга олиш, ғайрат-шижоатли ва фаол бўлишдан иборатдир. Партия аъзоларининг катта қисми ёшлардан иборат. Улар ўртасида турли танлов ва мусобақалар ташкил этаяпмиз. Партия фаоллари ташкилотчилигида шаҳарчамиздаги маданият саройи қайта таъмирланиб, «Ёшлар маркази»га айлантирилди. Биз фуқаролик жамияти асослари, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш борасида қатор ишларни амалга ошираяпмиз. Айниқса, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ёшларнинг орзу-ўйлари, қизиқишлари ва муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.





Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам бошланғич ташкилот зиммасида. Ушбу мақсадлар учун ҳар йили каттагина маблағ сарфланади. Жамоа аъзолари мунтазам равишда янги махсус кийим-бош билан таъминланади. Тиббиёт пункти туну кун хизматда. Ҳар йили 100 нафар ходим республикамизнинг энг яхши сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклаб қайтишади.

БПТ раиси Алишер Эшмўминов ушбу фикрларга қуйидагиларни қўшимча қилди:

— Мамлакат электр саноатида ўзига хос ўрин тутган корхонамизда қўлга киритилаётган ютуқларга партиямиз аъзолари муносиб ҳисса қўшиб келишаяпти. Улар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатда бўлиб, ислоҳотлар самарадорлигини оширишда фаоллик кўрсатишмоқда. Электорат билан ҳамкорликни кенгайтиришга, одамларни бунёдкорлик ишларига даъват этишга интилишаяпти. Партиямиз ғояларининг ислоҳотларга монандлиги туфайли сафдошларимиз сони ортаётир. Ҳаётидаги муаммоларни кимдандир кўмак сўраб эмас, балки тадбиркорликни ривожлантириш, билим ва тажрибани, интеллектуал қобилиятни ишга солган ҳолда бартараф этиш юзасидан тарғибот ишларини кучайтираяпмиз. Бошланғич ташкилотнинг ҳар бир йиғилишида иштирок этиб, амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан фикр-мулоҳазаларимни билдиришни партиявий бурчим, деб биламан. Зеро, биз нафақат ишда ва партиявий соҳада, балки ҳаётда ҳам барчага ўрнак, ташаббускор ва тадбиркор бўлишимиз керак.

Бошланғич партия ташкилоти учун катта хона ажратилган. Ундан сиёсий адабиётлар, партиянинг дастур ва низомлари, «XXI asr» газетасининг тахламлари, депутатлар ва O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳаётига оид маълумотлар ўрин олган. Шинам, ёруғ ва кенг хонага киришингиз билан бу ердаги кўргазмали воситалар орқали O`zLiDePнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўласиз. Партия фаолларидан Бахтиёр Шарипов, Абдубаҳром Худойқулов, Соат Чоршанбиев, Шуҳрат Алиқулов, Шодибек Умрзоқов ва бошқалар тез-тез корхона цехлари ва туман маҳалларида бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини одамлар онгига етказиш учун ғоявий-сиёсий ишларни самарали ташкил этишмоқда.

Ҳа, нуристонлик нурчилар эришаётган барча жабҳадаги муваффақиятларда бошланғич партия ташкилоти фаолларининг хизмати катта. Улар ижтимоий муаммоларни ҳозиржавоблик билан ҳал этиб, эл-юрт манфаати йўлида куч-ғайратни аяшмаяпти. БПТ ишчи-хизматчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат шароитини янада яхшилашда яқин кўмакчи вазифасини ўтаётир. Аҳиллик ва ҳамжиҳатликни ўз шиорига айлантирган партиядошлар ғоявий-сиёсий фаолликни ошириб, корхона манфаатлари йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

## Марказ ишбилармон ёшларга йўл кўрсатаяпти

**O`ZLIDEP ФАРҒОНА ШАҲАР КЕНГАШИ АҲОЛИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШОХОБЧАЛАРИ ВА ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ОЧИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА**

**Ўз мухбиримиз**

Айни пайтда бундай БПТлар сони шаҳарда 32 тани ташкил қилади. Улар орасида кўпчилик эътиборига тушган кичик бизнес субъектларидан бири — "Ифатли келин" ўқув-хизмат кўрсатиш марказининг Фарғона филиалидаги БПТнинг алоҳида ўрни бор, десак муболаға бўлмайди.

Мазкур филиал 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, бир йил ўтгандан кейин бу ерда бошланғич ташкилотга асос солинган. Айни пайтда филиалда 15 нафар тажрибали устозлар ёшларга миллий ва замонавий касб-ҳунар сирларини ўргатмоқдалар. Улар орасида Мамлакатхон Юсупова, Назирахон Тожибоева, Гулчеҳрахон Собирова, Зулхуморхон Рўзибоева сингари ўз касбининг моҳир усталари бор.

— Марказимиз ёшларга касб-ҳунар ўргатишдан ташқари, турли кўрик-танловларда совринли ўринларни ҳам эгаллаб келмоқда, — дейди БПТ етакчиси Наргизахон Йўлдошева. — Масалан, охирги 4 йил мобайнида "Таълим ва мутахассислик" халқаро танловида мунтазам биринчи ўринни эгаллаб келаяпмиз. — Бунда бизга O`zLiDeP шаҳар кенгаши билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатаётганимиз жуда қўл келаяпти. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган ғоялар, шу асосда қабул қилинаётган қонунлар таҳлилига бағишланган ўқув-семинарлар жуда қизиқарли ва фойдали бўлди. Уларда олган билимларимиздан дарс жараёнларида ҳам фойдаланаяпмиз. Чунки шогирдларимиз мамлакатимизда ёшларга яратилаётган қулай шарт-шароит, янги қонун ва фармонларга катта қизиқиш билан қарайдилар.



Шу ўринда ушбу марказ ўз фаолиятини янада кенгайтиришга ҳаракат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аммо бир қатор муаммолар ҳам борки, уларни ҳал қилишда O`zLiDeP шаҳар кенгашининг амалий ёрдамига умид боғланмоқда. Жумладан, марказ аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш учун замонавий технологиялар олиб келиш режасини ишлаб чиққан. Уларни амалга ошириш учун эса ҳомийлик ёрдамига эҳтиёж сезилмоқда. Шунингдек, марказ шу кунгача эски бинода ижарада иш олиб бораяпти. Агар шаҳар марказидан ер олиб, барча қулайликларга эга бўлган янги бино барпо этилса, марказ фаолияти янада яхшиланган бўларди. Бу режалар атрофлича ўрганилиб, халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳига юборилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Ифатли келин" ўқув-хизмат кўрсатиш марказидаги БПТ ана шундай саъй-ҳаракатлар билан ёшларни партия сафига жалб этиш, бўлажак кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эришмоқда.

**Фермерлик** ҳаракати қишлоқда ҳал қилувчи куч

## Фермернинг ютуғи

**КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ «ДИЛ АЛИШЕР АУШ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАИСИ АЛИШЕР МАВЛОНОВ БУНДАН УЧ ЙИЛ АВВАЛ O`ZLIDEPГА АЪЗО БЎЛГАНДИ**

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI ASR»

Бугун хўжаликнинг 15 га яқин ишчиси ҳам партия аъзоси сифатида унга кўмакдош бўлмоқда. Бригадир Нарзулла Мавлонов, механизаторлар Шайдулла Раҳмонов ва Равшан Алиқулов хўжалик тузилгандаёқ у билан бирга партия аъзолигига қабул қилиниб, Алишер Мавлоновнинг елкадошига айланганлар.

— Фермерларнинг партия аъзоси эканликлари уларга катта сиёсий имкониятлар эшигини очади, — дейди Алишер Мавлонов. — Чунки бугунги кун талабларига жавоб бериб, тадбиркорликни ривожлантираётган, ўз ижтимоий позициясига эга илғор аҳоли қатламлари доимо қолганларга ибрат ва намуна бўлиш билан бирга аҳоли орасида партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда фаол иштирок этадилар. Қолаверса, партия сафларидаги фермерлар бугунга келиб ўз маҳалладошлари ва ҳамқишлоқларига ўрнак бўлишаётгани, қишлоқда етакчи кучга, ўзига хос сиёсий-иқтисодий локомотивга айланишаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Таъкидлаш керакки, партиявий топшириқларда тобланган фермерлар ўз ишларини тўғри режалаштириш ва қонуний ҳуқуқ-имтиёзлардан фойдаланиш малакаларини ҳам орттиришмоқда. Бундай фермерлар асосий вазифалари бўлмиш деҳқончилик ва чорвачиликда муваффақиятларга эришаётганлари, бошқа ҳамкасбларидан бир қадам олдинда кетишаётгани ҳам ажабланарли ҳол эмас аслида.

— Истиқболда, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, фермерлар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадида уларнинг қонуний манфаатларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича юқори партия ташкилотларига тегишли таклифлар беришни йўлга қўйиш ниятимиз ҳам йўқ эмас, — дейди Алишер Мавлонов. — Зеро, сиёсий партиямиз тадбиркорлар қатламининг манфаатини ҳимоя қилишга асосий вазифа сифатида қараётган бир шароитда, фермерларнинг истак ва эҳтиёжларини биз фермерлар ҳаммадан кўра яхшироқ тушунамиз, деб ўйлайман.

Тан олиш керакки, «Дил Алишер АУШ» фермер хўжалиги давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш йиллик режасини ортиғи билаң бажариб келаётган илғор хўжаликлардан бири. Фермер хўжалиги раиси ёш бўлишига қарамасдан, пахтачилик ва ғаллачиликнинг сир-асрорини кекса деҳқонлардан кам билмайди.

**Қишлоқда ҳал қилувчи куч бўлган фермерлар бугунга келиб ўз маҳалладошлари ва ҳамқишлоқларига ўрнак бўлишаётгани, қишлоқда етакчи кучга, ўзига хос сиёсий-иқтисодий локомотивга айланишаётгани ҳам айни ҳақиқат.**

— Асосан пахта ва ғалла етиштирамиз, — дейди фермер хўжалиги раиси Алишер Мавлонов. — 2005 йилда фермер хўжалигимиз ихтиёрига берилган 64 гектар ерда иш бошлагандик. Ўша йили 39 гектар майдонга пахтанинг «Оқдарё» навидан экиб, 27 центнердан ҳосил кўтардик. Буғдойнинг «Крошка» нави экилган далаларда гектаридан 50-55 центнердан ғалла етиштирдик. Деҳқончилик шундай мураккаб соҳаки, ер бугун ишлов беришингизни истаяптими, эртани кутиб турмаслик керак. Мавсумда ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш деҳқондан катта маҳорат талаб этади. Қолаверса фермернинг иш қуроли ҳам соз бўлиши керак. Ҳар йилги фойдадан олган техникаларимиз сони ҳозирда 4 тага етди. Ерга ишлов бериш учун зарур бўлган чопиқ ва ҳайдов тракторларимиз оғиримизни енгил қилмоқда. Яқинда Самарқанддаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси билан янги техникалар олиш учун шартномалар туздик. 2011 йилда ғалла ҳосилидан олган даромадимиздан ҳайдов тракторлари олиш ниятимиз бор. Бундан ташқари, транспорт тракторлари, 2 та тиркама, дори пурковчи ОВХ-60 техникасини харид қилишни ҳам режалаштирганмиз.

Маълумки, барча соҳалар қатори аграр соҳага ҳам ҳукуматимиз томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Хўжалигимизда экин майдонининг 86 гектарга етгани, 2007 йилдан буён давлатга фақат олий навли уруғлик ҳосил етиштириб бераётганимиз шу эътибор ва ғамхўрлик самараси, деб ўйлайман. Биргина ўтган йилда 53 гектар майдонга пахтанинг «Омад» навини экиб, 50-55 центнердан ҳосил олиб, режани 121 фоизга уддаладик. Ўттиз етти гектар майдонга буғдойнинг «Ўзбекистон-99» навли буғдой уруғи экиб, 42 центнердан хирмон кўтардик. Табиийки, меҳнатимизга яраша фойда кўряпмиз: 40 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олдик.

...Оиладаги тинчлик ва хотиржамлик ҳар бир касб эгасининг ишига унум бағишлайди. Биз ҳам турмуш ўртоғим Баҳора Холмуродова билан икки фарзандни вояга етказаяпмиз. Катта қизимиз Моҳинур 2011 йилдан мактабга қатнай бошлади. Кичик ўғлим Аббосжон ҳали беш ёшда. Юртбошимиз ташаббуси билан туманимизда ҳам янги лойиҳа асосида замонавий турар-жой бинолари қурилаётганидан хабар топганимизда бир яхши ният қилиб қўйгандик. Ўзаро маслаҳат қилиб, келгуси йили қуриб фойдаланишга топшириладиган ҳовлиларнинг тўрт хоналигидан олишга қарор қилдик. Деҳқончилик ва қишлоқнинг оғир ҳамда қулайликлардан холи ҳаётида менга елкадош бўлган, мени қўллаб-қувватлаган оила аъзоларим янги, замонавий ва барча қулайликларга эга бундай уйда яшаб, бор чарчоқ ва машаққатларини унутишса, ажаб эмас...

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили ▼**

## ЯНГИ ТЎГАРАКЛАР

**Хоразм вилояти Боғот туманидаги умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежларида «Ораста қизлар» тўгараклари ташкил этилди.**

**Бундан кўзда тутилган мақсад ўсмир қизларда шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш кўникмаларини шакллантириш, атроф-муҳит озодалиги ва орасталигига ўқувчилар эътиборини кучайтириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, қизлар ўртасида балоғатга етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, оила муқаддаслиги ва бошқа турли муносабатлар бўйича кенг ва атрофлича тушунчалар беришдан иборат.**

**— Мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширишда халқ таълими ходимларига соғлиқни сақлаш муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими вакиллари яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Матёқубова. — Албатта, олиб борилаётган бундай кенг кўламли ишлар қизларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг оила ҳақидаги билим ва тушунчаларини бойитиш, оилаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

*Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири*

*Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга*

BOSHLANG`ICH
PARTIYA
TASHKILOTLARIDA

2012 йил 26 январь, пайшанба
04-(428)-сон
e-mail:
axborotXXIasr@yahoo.com,
XXI_ASR@yahoo.com

# Миробод тажрибаси

**O`ZLIDEP МИРОБОД ТУМАН КЕНГАШИДА «КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА» ШИОРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИНМОҚДА**

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»



Таҳлилчилар туман кенгашидаги 3354 нафар партия аъзосини бирлаштириб турган 108 та бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов конференцияларида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ўз фаолиятини қайта кўриб чиқаётганини бежиз таъкидламаяптилар.

Бу борада кенгаш қуйи бўғинлар фаолиятини кескин жонлантириш, партия сафларини ёш, иқтидорли кадрлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кенгаш ходимларига бириктирилган бошланғич ташкилотларда ҳар ойда икки марта учрашувлар ўтказиш ҳам анъанага айланди. Уларда БПТлар иш режасининг ижроси, ҳужжатларнинг тўғри юритилиши ва аъзолар сонини кўпайтириш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Бу, ўз навбатида, O`zLiDeP Миробод туман кенгашидаги бошланғич партия ташкилотлари сонининг кўпайиши ва турли соҳа вакилларини партия сафларига жалб этиш жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир. Ҳар чоракда аъзолар сони ўртача 90 нафарга ошиб, янги БПТлар ташкил этилаётгани эса кенгашнинг бу йўналишдаги ишлари жонланганидан далолат беради.

Бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг ташаббускорлигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» билан ҳамкорликда ўтказилаётган семинар-машғулотларда эса Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқадиган вазифаларни доимий тарзда таҳлил этиш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Кенгашнинг «Қишлоқ-қурилишбанк» ОАТБ молия муассасасидаги бошланғич ташкилотида «Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асоси» мавзуидаги давра суҳбатлари ҳам демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалаларига бағишланаяпти.

Ҳеч кимга сир эмас: партия фаолларидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ўз вақтида ечим топишда доимо олдинги сафда бўлиш талаб этилади. Чунки бу жиҳат тўғридан-тўғри электорат вакилларининг ишончини қозонишга хизмат қилади. Аҳоли бандлик даражасини ошириш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳам ана шундай вазифалар сирасига киради.

— Банкимиз қошида тузилган БПТ тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бирламчи эътибор қаратмоқда — дейди «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ бошланғич ташкилоти раиси Камол Турдиев. — Ҳозир хусусий секторни рағбатлантиришга оид қатор номинациялар бўйича кўрик-танловлар ўтказаяпмиз. Бундан ташқари, банк ўқув марказида турли семинарлар ҳам ташкил этилмоқда.

O`zLiDeP Миробод туман кенгаши раиси Равшан Фозиловнинг фикрича, кенгашда 2011 йилда йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилиб, 2012 йил режаси ишлаб чиқилди. Унда асосий эътибор оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳаллаларда бизнеснинг ана шу шаклини изчил ривожлантиришга кўмаклашиш, пировардида эса «Мустаҳкам оила йили» учун тайёрланаётган давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга қаратилаяпти. Бу жараёндаги асосий натижага эса бошланғич ташкилотлар фаолияти орқали эришилади. Р.Фозилов, шунингдек, мавжуд имкониятлар билан Миробод туманида ҳар қандай масалада ўрнак бўла оладиган бошланғич ташкилотлар ишини йўлга қўйишда етарли куч борлигини таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда, O`zLiDeP Миробод туман кенгашидаги БПТлар фаолияти 2012 йилда сиёсий тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтиришга, оилавий бизнесни ривожлантиришда фаоллик кўрсатишга қаратилмоқда. Бу тажрибани эса бошқа ҳудудий ташкилотлар ҳам оммалаштирсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

# «Қўштегирмон»лик ташаббускор фермер

**ШЎРЧИ ТУМАНИДАГИ «МУҲИДДИН» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ, O`ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ РАИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ МЕНГЗИЁ ЙЎЛДОШЕВ ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ — ПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЁТГАН ТАШАББУСКОР ФЕРМЕРЛАРДАН**

**Фарҳод ТОШБОЕВ,**
«XXI ASR»

Айни пайтда ташаббускор фермер хўжалигидаги 28 нафар ишчи-хизматчининг 25 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Бу йил БПТ тузилганига 7 йил бўлади.

Менгзиё Йўлдошевнинг асл касби ҳисобчи. Фермер сифатида меҳнат қилаётганига ҳам ўн беш йилдан ошди. Бу давр ичида "Муҳиддин" фермер хўжалиги иқтисодий жиҳатдан юксалиб, илғорлар сафидан мустаҳкам ўрин олди. Ғалла ва пахта етиштиришга ихтисослашган хўжалик ўз зиммасидаги мажбуриятларни ҳам ортиғи билан бажараяпти.

— Хўжалигимиз қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ўзига хос тажриба тўплаган, — дейди М.Йўлдошев. — Уларнинг самарали меҳнати эвазига ҳар йили яхшигина даромад олаяпмиз. Фойданинг бир қисми ҳомийлик учун сарфланмоқда. Шунингдек, деҳқоннинг таянчи ҳисобланган техникаларни харид қилаяпмиз.

2010 йилда 68 гектар майдонда пахта, 33 гектар майдонда ғалла парваришлаб, белгилаган режаларини ортиғи билан уддалаган фермер олинган соф фойданинг бир қисмини туманда болалар спортини ривожлантиришга йўналтирди. Тарихий обидаларни реконструкция қилишга ҳам молиявий кўмак берди. Ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчилари учун эса тўрт тонна буғдой ажратди. Об-ҳаво инжиқ келган бу йилги мавсумда эса 37,2 гектар майдонда "Крошка" навли ғалла парваришлаб, 160 тонна сара дон йиғиб олди. Гектарлар ҳосилдорлиги 50 центнерни ташкил этди. Режадан ортиқ етиштирилган 59 тонна дон эса фермер ихтиёрида қолди. 61 гектар майдонда парваришланган "Бухоро-102" навли ғўзадан 166 тонна сифатли хом ашё териб олинди.

— Бошланғич партия ташкилотимизда ўтказилаётган учрашув ва сиёсий ўқувлар ҳам жамоамизни бир мақсад йўлида меҳнат қилишга даъват этмоқда, — дейди БПТ раиси. — Натижада сиёсий етук аъзоларимиз фермерлик ҳаракатининг туб моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиб, ютуқларимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу йилгидек об-ҳаво нокулай келган шароитда деҳқонларимизнинг сувдан тежаб фойдаланиши ва мавжуд агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариши ютуқларимиз омили бўлди. Ҳозир хўжалигимизда иккита ҳайдов трактори, битта культиватор, тўртта юк ташув транспорти бор. Техника деҳқоннинг қаноти бўлгани учун ҳам бу йил яна битта янги трактор харид қилишга келишиб олдик.

> — Бошланғич ташкилотда ўтказилаётган сиёсий ўқувлар жамоамизни бир мақсад йўлида меҳнат қилишга ҳам даъват этмоқда, — дейди БПТ раиси. — Натижада сиёсий етук аъзоларимиз фермерлик ҳаракатининг туб моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиб, ютуқларимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутати, хўжалик бошланғич партия ташкилоти раиси Менгзиё Йўлдошев эндиликда паррандачиликни ривожлантиришга ҳам киришди. Бунинг учун 30 минг бош паррандага мўлжалланган товуқхона тубдан реконструкция қилинмоқда.

—Фермер хўжалигимиз "Қўштегирмон" маҳалласида жойлашган, — дейди O`zLiDeP аъзоси, хўжалик ҳисобчиси Тўлқин Бобоназаров. — Етти хазинанинг бири — паррандачиликни йўлга қўйиш биз учун кони фойда бўлади. Бу ерда зотдор товуқ парваришланиб, парҳез гўшт етиштирилади. Олинадиган тухумнинг бир қисми қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлайдиган хусусий корхоналарга, қолгани аҳолига етказиб берилади.

Ҳа, "Муҳиддин" фермер хўжалигида яна бир янги тармоқ — паррандачилик йўлга қўйилди. Бу ерда ўндан ортиқ янги иш ўрни барпо этилиши эса бошланғич партия ташкилоти аъзолари сонининг янада ортишига ҳам олиб келади.

# Нуристонлик либераллар таклифи қўллаб-қувватланди

**ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ УНИТАР КОРХОНАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИДА O`ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ АЪЗОЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР**




**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI ASR»

Нуристон шаҳарчасида 12 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти Талимаржон иссиқлик электр станциясининг ишчи-хизматчиларидир. Шаҳарчада алоҳида шифохона йўқлиги сабабли кўп йиллардан буён аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савияси талаб даражасида эмас эди. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти аъзоларининг навбатдаги йиғилишида ана шу муаммога муносабат билдирилиб, қурилиши тугалланмаган иншоотини битказишга кўмаклашиш учун корхона раҳбариятига мурожаат қилинди. Натижада жорий йилда қурилиш ишлари якунланиб, 150 ўринли шифохона аҳолига хизмат кўрсатадиган бўлди.

Шаҳарча аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида «Спорт-соғломлаштириш мажмуаси» ҳам барпо этилди.

— Партиямизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳали олдимизда катта вазифалар турибди, — дейди БПТ раиси ўринбосари, корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Аширов. — O`zLiDeP бошланғич ташкилоти амалга ошираётган ишларни давр талаблари даражасида такомиллаштиришимиз лозим, албатта.

6 ►►

## Модернизация ҳисобига янги иш ўринлари

**Марғилон шаҳридаги «Алоҳида гўшт маҳсулот» МЧЖ жамоаси томонидан сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

**— Тадбиркорлар учун яратилган қулай бизнес муҳити туфайли ўтган йили 2300,1 млн. сўмлик колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқардик, — дейди корхона раҳбари Муҳаммаджон Раҳимов. — Корхонанинг технологик жиҳатдан қайта жиҳозлангани ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришга имкон берди. Режаларимиз амалга ошгач, яна 15 та янги иш ўрни очилади.**

*Муҳаммаджон МАҲМУДОВ*



**Депутатлик** гуруҳлари

# Дастур ижроси юзасидан қандай натижаларга эришилди?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 2011 йил 16 июлда бўлиб ўтган XIV сессиясига партиямиз фаоллари ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида»ги ҳамда «2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури»ни сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги масалалар киритилган эди, — дейди O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Э.Тошев. — Йиғилишда шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Зияев ва Учтепа тумани ҳокими А.Рустамовнинг ҳисоботларини эшитиш орқали қўлга киритилган натижалар билан бирга мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Эътиборли томони шундаки, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов раислигида ўтган сессияда депутатлик гуруҳимиз олиб чиққан масалалар ўз вақтида кўтарилгани ва долзарб аҳамиятга эга экани эътироф этилиб, сусткашликка йўл қўяётган мутасадди ташкилотлар раҳбарларига зудлик билан вазиятни ўнглаш юзасидан топшириқлар берилганди.

Орадан олти ой ўтиб, депутатлик гуруҳи аъзолари ана шу топшириқлар ижросини ўрганиш баробарида мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётини изчил давом эттирмоқда. Мисол учун, 2011 йилнинг иккинчи ярмидагина O`zLiDeP ташаббуси билан шаҳар кенгаши сессиясида Молия бош бошқармаси бошлиғи М.Мирмаҳмудов, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ш.Мирзаев, Архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи А.Тожиев, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи F.Расуловнинг ахборотлари эшитилди.

Пойтахт иқтисодиётига оид рақамлар ҳам депутатлик назорати институтининг саъй-ҳаракатлари бежиз кетмаганини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторида юз берган ижобий ўзгаришлар, энг аввало, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб 12,5 фоиз ўсганида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,8 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 38,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 10,3 фоиз, хизмат кўрсатиш 18,4 фоизга кўпайган. Хусусий тадбиркорлар томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилга нисбатан 22,2 фоиз ошгани, кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 53 фоизга етганини эса пойтахтда қулай бизнес муҳит яратилгани ва бу борада изчил тарғибот ишлари олиб борилгани билан ҳам баҳолаш мумкин.

Сессияда, шунингдек, айрим туманларда иқтисодиётни модернизация қилиш, янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга етарли даражада эътибор қаратилмагани ва мавжуд имкониятлар бой берилаётгани ҳам қаттиқ танқид қилинганди. Ана шу хатолардан жиддий хулоса чиқарилгани натижасида йил охирига келиб пойтахтимизда жами 81 мингдан зиёд иш ўрни яратилиб, бу борадаги режа 101,5 фоизга бажарилди.

Янги иш жойларини очиш ҳақида гап кетар экан, O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларининг нафақат назорат-таҳлил ва тарғибот-ташвиқот ишлари билан шуғулланганини, балки бу жараённинг бевосита иштирокчиларига айланганини ҳам таъкидлаш мумкин. Хусусан, «Dimax metall servis» МЧЖ раҳбари Дилшод Шоумаров 200 та, «Ўзкабель» ОАЖ бош директори Мирҳаёт Ҳакимов 210 та, «Мет-Фур-Сервис» МЧЖ раҳбари Шавкат Халилов 67 та, «Навбаҳор-савдо» жамияти раиси Музаффар Абдуллаев 30 та, «Эътиқод» хусусий корхонаси директори Абдуғани Қосимов томонидан 15 та иш ўрни яратилгани O`zLiDeP аъзоларининг иқтисодиётни модернизация қилиш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларида фаол иштирок этаётганларидан далолатдир.

Тошкент шаҳар ҳокимининг «Маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши асосида тузилган ишчи гуруҳларида ҳам партия вакиллари кўпчиликни ташкил этади. O`zLiDeP аъзолари томонидан айни шу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида қўшимча равишда яна 18925 фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, 2011 йилда бир қатор камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини таъкидлаш лозим. Жумладан, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган жами кичик бизнес субъектлари таркибида фаолият юритмаётганлар 8,9 фоизни ташкил этсада, ушбу кўрсаткич Шайхонтоҳур туманида 10,7 фоизни, Ҳамза туманида 14,4, Сергели туманида 11,9, Чилонзор туманида 11,1 фоизни ташкил қилмоқда.

Тўғри, бундай ҳолатлардан, энг аввало, мутасадди ташкилотлар тегишли хулосалар чиқаришлари лозим. Аммо халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги депутатлар ана шундай нуқсонларнинг олдини олиш учун уларни келтириб чиқарган омилларни ўз вақтида таҳлил этиб, тегишли тавсиялар тайёрлаганларида, балки юқоридагидек ҳолатларнинг олди олинган бўлармиди?

Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги депутатлар корпуси мавжуд ҳолатдан жиддий хулосалар чиқариши керак. Тошкент шаҳрини 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари бўйича шаҳар ҳокими ҳисоботини эшитишга тайёргарлик кўрилаётгани эса юқоридагидек масалаларни яна бир бор таҳлил этиш имконини беради, деб ўйлаймиз.

> Сессияда, шунингдек, айрим туманларда иқтисодиётни модернизация қилиш, янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга етарли даражада эътибор қаратилмагани ва мавжуд имкониятлар бой берилаётгани ҳам қаттиқ танқид қилинганди.

**Электорат**



**Пойтахтимиздаги «MET-FUR-SERVIS» масъулияти чекланган жамиятида 2011 йилда 4,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Технологик жараёнларни янада такомиллаштириш мақсадида 850 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши ҳисобига 47 та янги иш ўрни яратилди. Бугун корхонанинг 134 кишилик жамоаси темир ва пластмасса хом ашёсидан 300 турдан ортиқ халқ истеъмоли моллари, автомобиль бутлов қисмлари, фурнитура жиҳозлари тайёрлаб, мижозларга пешма-пеш етказиб бермоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонада янги техника ва технологияларнинг кенг жорий этилгани ўз самарасини бериб, ишлаб чиқариш ҳажмини 130 фоизга кўпайтирди. Болалар велосипеди ишлаб чиқариш, пластмасса хом ашёсидан тайёрланадиган бир неча хилдаги янги деталлар ҳам локализация қилинди. Улар сифати билан буюртмачиларга манзур бўлмоқда.**

**Ҳамкорлик**

## «КАМОЛОТ» «ПАХТАКОР» БИЛАН

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Пахтакор» футбол жамоаси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди. Унутилиб борилаётган буюк футболчилар номини қайта тиклаш ва абадийлаштириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар қалбида Ватанга садоқат, ўзига ишонч туйғуларини уйғотиш мақсадида имзоланган ўзаро келишувда қайд этилишича, «Пахтакор» футбол клуби «камолотчи»лар ташаббуси билан ташкил этилган учрашувларда таникли чарм тўп усталари иштирокида маҳорат сабоқлари уюштириб бериш, футбол юлдузлари ҳақидаги маълумотларни плакат, рисола ва буклетлар орқали тарқатиш ҳамда жойларда вояга етмаган ёшлар учун футбол тўгараклари очилишини таъминлайди. «Камолот» ЁИҲ эса мамлакатимизнинг чарм тўп усталари ҳаёти, футбол клублари фаолияти ҳақида илмий-оммабоп фильмлар яратиш, ҳаракат муассислигидаги нашрлар ва бошқа ОАВ орқали улар тўғрисида мақолалар чоп этиш каби мажбуриятларни олган.**

**Сиёсий** таълим



# Етук кадрлар — партия таянчи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Дилором АЗИЗОВА,**
O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» раҳбари:

Бу эса айни пайтда жойларда қонунлар ижроси жараёнини таҳлил этиш, амалдаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан юзма-юз мулоқотлар ўтказиш имконини ҳам берди. Тадбирларда илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз учун ҳам қўл келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда “Сиёсий таълим маркази”нинг “Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти” вилоят бўлими билан ҳамкорлиги яхши самара бераётганини айтиш жоиз. Хусусан, ҳамкорликда ўтказилган “Сиёсий партияларда кадрлар тизими сифатини янада такомиллаштириш масалалари”-га бағишланган қатор семинар-тренинглар орқали яна бир бор ўз фаолиятимизни ва албатта, кадрларимиз салоҳиятини таҳлил этиш имконига эга бўлдик.

Маълумки, O`zLiDePнинг кадрлар захирасини шакллантириш Дастурига мувофиқ “O`zLiDeP кадрлар захираси фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим омили” мавзуида ўтказган махсус ўқув курсларида раҳбар кадрлар захираси билан ишлашни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ислоҳотларнинг янги босқичида замонавий талаблар асосида ишлашга қодир, сиёсий баҳс-мунозараларга профессионал жиҳатдан тайёр, ўз фаолиятида умумэътироф этилган замонавий технологиялар ва иш услубларини қўллай оладиган кадрлар захирасини яратиш, уларни вакиллик ва ижроия органларининг масъул лавозимларига тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи долзарб экани билан боғлиқдир.

Ана шулардан келиб чиқиб, энг муҳим тадбирлар, айниқса, Президентимизнинг “Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида” номли китобини атрофлича ўрганишга бағишланаётган ўқувларимизда кўпроқ ёшлар иштирокига эътибор қаратаяпмиз. Бу борада партия фаоллари, айниқса, депутатлар асосий тарғиботчиларга айланмоқдалар.

Шу ўринда вилоят ҳудуди ниҳоятда катта эканини инобатга олиб, айрим тадбирларни ҳудудлардаги намунали бошланғич ташкилотларда ўтказиш тажрибасидан ҳам фойдаланаётганимизни айтмоқчиман. Ана шундай семинарлар Шаҳрисабз, Китоб, Касби ва Миришкор туманларида уюшқоқлик билан ўтказилди. Бироқ Қамаши, Чироқчи, Деҳқонобод, Қарши, Косон ва Яккабоғ туманларида ташкил этилган семинар-тренингларда бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг иштироки тўлиқ таъминланмагани афсусланарли ҳолатдир. Бундан эса ана шу туманлардаги партия фаоллари тегишли хулосалар чиқаришлари лозим бўлади.

«Сиёсий таълим маркази» томонидан ўтказилаётган ўқув-семинарларга шундай муносабат билдирилаётган Косон, Чироқчи, Қамаши ва Деҳқонобод туманларида кадрлар захирасини шакллантириш борасида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилаётганини таъкидлаш жоиз.

“Сиёсий таълим маркази”да ҳар ойда бир марта давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари учун ҳам доимий семинарлар ташкил этилмоқда. Уларда депутатлик гуруҳлари билан ишлашни самарали ташкил этиш, партия депутатлик гуруҳларининг халқ депутатлари кенгашларидаги таъсир кучини ошириш, уларнинг электорат ва партия тузилмалари билан алоқасини кучайтириш, ечимини кутаётган ижтимоий-иқтисодий муаммо ва камчиликларнинг мақбул ечимларини топиш ва тегишли маҳаллий бошқарув идоралари билан уларни ҳал этиш ҳамда бу орқали сайловчилар ишончини оқлаш кўникмаларини ривожлантиришга эришилмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги “Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” номли маърузасини чуқур ўрганиш, унда билдирилган хулоса ва қоидаларни партия электорати вакилларига етказиш борасида ҳам марказ томонидан изчил тадбирлар амалга оширилди.

2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши эса тарғибот-ташвиқот ишларини янада кенгайтириш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бунда асосий эътибор энг чекка ҳудудлардаги маҳаллаларга, хотин-қизлар ва ёшлар фаолиятига қаратилиши лозим бўлади. Айниқса, жойларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда депутатлар корпусидан имкон қадар кўпроқ фойдаланишни режалаштираяпмиз. Айни пайтда фаол аёллар ва ёшларни ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш жараёнига кенг жалб қилиш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқдик. Бир сўз билан айтганда, ислоҳотларнинг бугунги босқичида сиёсий фаолиятга, партиялараро курашга тайёр, сафдошларимизни ўз ортидан эргаштира оладиган, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳисса қўшиши мумкин бўлган кадрлар тайёрлашда сиёсий таълим тизими зиммасига алоҳида масъулият юклатилмоқда.

> Бироқ Қамаши, Чироқчи, Деҳқонобод, Қарши, Косон ва Яккабоғ туманларида ташкил этилган семинар-тренингларда бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг иштироки тўлиқ таъминланмагани афсусланарли ҳолатдир. Бундан эса ана шу туманлардаги партия фаоллари тегишли хулосалар чиқаришлари лозим бўлади.

*Сайфулла Икромов тайёрлади.*

«XXI ASR» ● 2012 йил 26 январь, пайшанба, 04 (428)-сон, e-mail: xxi_asr@mail.ru


web sayt: www.21asr.uz

# Қулай хизмат мижоз ишончини мустаҳкамламоқда

**МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИНИНГ БУГУНГИ БОСҚИЧИДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ, ПУЛ-КРЕДИТ БОЗОРИДАГИ МАВҚЕИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДАНДИР**

«Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки Хоразм вилоят филиали шундан келиб чиқиб, мижозларга барча турдаги замонавий хизматлар кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Улар орасида ҳисоб-касса, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредит ажратиш, лизинг амалиётлари билан боғлиқ хизматлар бор. Бу борада «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилига қатъий амал қилинаётгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

2011 йил якунларига кўра, филиалнинг жами кредит қўйилмалари қолдиғи 63,9 млрд. сўмга етиб, йил бошига нисбатан 53,7 фоизга ўсди. Узоқ муддатли кредитлар салмоғи эса 97,9 фоизни ташкил этди. Шу ҳисобдан ҳудудларда 2700 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда юртимизда мулкдорлар синфи жадаллик билан шаклланмоқда. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошланғич капитални шакллантиришда молия муассасалари уларнинг яқин кўмакчисига айланган, десак, асло хато қилмаймиз. Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун филиал томонидан 20,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилганлиги фикримиз далилидир. Бунинг натижасида вилоятда 418 киши иш билан таъминланди.

— Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган «Исузу» автобусларидан 42 тасини лизинг асосида сотиб олиш учун «Асака» банкнинг Хоразм вилоят филиалига мурожаат этдик, — дейди Урганчдаги «Бунёд йўловчи ташиш» МЧЖ раҳбари Жуманиёз Машарипов. — Мурожаатимиз қисқа муддатларда қондирилди ва шу ҳисобдан 84 киши доимий иш билан таъминланди. Бунинг учун филиал раҳбариятидан миннатдормиз.

Энди банк мижозларидан яна бири, «Monada Amon» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шаҳло Хўжаеванинг фикрларини тингланг:



— Тиббиёт муассасамиз тадбиркорлик учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони фаолиятимизни (2007 йил 19 сентябрь) кенгайтиришда жуда қўл келаётир. Урганч шаҳрида очилган янги даволаш муассасаси орқали аҳолига юқори сифатли, кўп тармоқли тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Хусусан, неврология, иглорефлексотерапия, мануал терапия, фитотерапия, гастороэнтология, пульмонология, кардиология бўлимлари, шунингдек, ташхис лабораторияси хизматидан кўпчилик мамнун.

Ҳа, чиндан ҳам, мазкур банк, энг аввало, мижоз учун хизмат қилмоқда.

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни тўлдириш учун кейинги икки йил давомида филиал томонидан 6,5 млрд. сўмдан зиёдроқ кредит маблағи йўналтирилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Вилоятдаги тадбиркор хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Ўтган йили ана шу мақсадлар учун 8,3 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу эса ўз навбатида 343 нафар аёлни иш билан таъминлаш имконини берди.

Филиал ресурс базасини кенгайтириш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағлари узоқ муддатли депозитларга жалб қилинмоқда. Ўтган йили 15 турдаги янги омонатлар жорий этилди. Ҳозирда мижозлар эътиборига миллий ва хорижий валютадаги 85 та омонатлар таклиф этилмоқда. 2011 йил сўнггида жами омонатлар қолдиғи 44,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 80 фоизга ўсди.

Маълумки, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида пластик карталар тобора оммалашиб бормоқда. «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг Хоразм вилоят филиали пластик карточкаларидан бугун 29579 киши баҳраманд. Айни пайтда 4471 дона халқаро пластик карталар ҳам муомалага чиқарилган. Шунингдек, 226 та корхона ва ташкилотдаги 15 мингдан зиёд ишчи ва хизматчилар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкалар орқали олишмоқда. Улар орқали ўтказилган трансакциялар миқдори 23,1 млрд. сўмдан ошди. Тадбиркорлар, фирма ва корхона раҳбарларига қулайлик яратиш учун алоҳида корпоратив пластик карталар жорий этилган бўлиб, айни пайтда 51 нафар мижоз ушбу хизматдан баҳраманд.

Ўтган йили вилоят ҳудудида 291 та ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди. Мазкур савдо терминалларининг қулай томони шундаки, мижоз ўтирган жойидан туриб телефон орқали инкассация қилиш, яъни савдо тушумларини банкдаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри тушириш имконига эгадир. Филиал томонидан 2 та инфокиоск ва 3 та банкомат ўрнатилди. Шу билан бирга 7 та минибанк, 82 та жамғарма ва махсус кассаларда ҳисоб-китоб терминаллари ишлаб турибди. Ушбу минибанклар, жамғарма ва махсус кассалар аҳоли гавжум жойларда жойлашган бўлиб, пластик карточкалар орқали барча турдаги тўловларни амалга ошириш имконини бермоқда.

# Бухоролик тадбиркорлар маҳсулоти хорижда

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИДА БУХОРОЛИК ТАДБИРКОРЛАР ТОМОНИДАН 20 МЛН. ДОЛЛАР ҚИЙМАТИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI ASR»



—Тадбиркорларимизнинг кўпчилиги ССПнинг фаол аъзоси, — дейди ҳудудий бошқарма бошлиғи F.Жумаев. — Савдо-саноат палатаси томонидан вилоятимиз тадбиркорлик тузилмалари учун ўтган 2011 йилда Германия, Испания, Туркия, Исроил, Россия, Хитой ва Малайзия мамлакатларига уюштирилган расмий сафарлар соҳа вакиллари фаолиятини янада яхшилаш имконини берди. Бундай сафарларнинг самараси ўлароқ, ўтган йили вилоятга умумий қиймати 900 минг АҚШ долларига тенг хориж технологиялари киритилди.

Таъкидлаш жоизки, ССПнинг вилоят ҳудудий бошқармаси кўмагида бухоролик тадбиркорлар 2011 йилда Жанубий Корея, Россия, Польша, Беларусь, Қозоғистон ва Арманистонга жами 20 млн. 427 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилдилар. Ўз маҳсулотларининг юқори сифати ва харидоргирлиги билан ажралиб турган «Ўктам Ко», «Ростехстрой», «Леуат де Бухара», «Имидж Текстиль», «Мергантекс», «Шофирконэкваториалтекс» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда «Пешкутекс» қўшма корхонаси вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

ССП ҳудудий бошқармаси тадбиркорларга кўрсатаётган консалтинг хизматлари ҳам ўз самарасини беряпти. Бизнес-режа тузиш, юридик маслаҳатлар бериш, ахборот ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш бўйича биргина ўтган йилда жами 98 млн. 829 минг сўмлик иш бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Савдо-саноат палатасининг чет эллик ҳамкорлар билан олиб бораётган ўзаро манфаатли фаолияти ҳам эътиборга молик. Хусусан, Германиянинг Гера шаҳри Саноат палатаси шундай ишончли шериклардан бири. Шунингдек, Малайзиянинг «Матрейд» экспортни ривожлантириш бўйича корпорацияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилаётган қатор лойиҳалар яқин орада кутилган самара бериши турган гап. Россия Федерациясининг Тюмень областида агросаноат комплекси департаменти билан ўрнатилган ҳамкорлик ҳам тадбиркорликни ўзаро тараққий эттиришда, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

# Мулкдорлар ҳуқуқининг амалий кафолати

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН «ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ**



Қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Муҳаммаджон Турсуновнинг таъкидлашича, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун хусусий мулк дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи муддатсизлигини кўзда тутувчи конституциявий тамойилни янада мустаҳкамлаш, мулкнинг ҳақиқий эгасини белгилаш жараёнида юзага келаётган айрим номутаносибликларни бартараф этишга хизмат қилади.

— Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида иқтисодиётни юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган 450 дан зиёд меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ўрта қатлам ривожланишида ҳуқуқий кафолат вазифасини ўтади. Натижада ўрта синф вакиллари сони йилдан йилга ортиб, иқтисодиётнинг етакчи кучига айланди. Агар 1999 йилда улар сони 160 мингтани ташкил этган бўлса, айни пайтда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 480 мингдан ошиб кетди. "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам хусусий мулкнинг самарали амал қилиши учун қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилгандир.

Ушбу қонун хусусий мулкнинг устуворлигини мустаҳкамлаган Конституциявий принципнинг тадрижий давоми бўлиб, хусусий мулкни ҳар томонлама самарали ҳимоя қилиш эвазига кучли иқтисодиётга эга бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишимизга ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай муҳит яратишга хизмат қилади.

**— Мазкур қонун лойиҳасининг бошқа қонунлардан фарқли томонлари нимада?**

— Ҳозирги пайтда хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқлари кафолатларини белгиловчи бир қатор қонунларга амал қилинаётган бўлсада, аммо ҳуқуқни қўллаш амалиётида мулк ҳуқуқи кафолатларига сўзсиз риоя қилиш механизми етарли даражада шаклланмаганини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, амалдаги қонунларда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан хусусий мулк ҳуқуқига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик етарли даражада белгиланмагани, бу эса кўплаб қонунбузилиш ҳолатларига олиб келаётганини айтиш мумкин. Хусусан, охирги уч йилда фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан хусусий мулкдорлар ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ 63816 та даъво аризаси кўрилиб, уларнинг 74 фоизи қаноатлантирилгани ҳам шундан далолат бермоқда.

**— Бундай ҳолатларни бартараф этиш ва қонунбузарликларнинг олдини олиш масаласи лойиҳада қай даражада ўз аксини топаяпти?**

— Янги қонун лойиҳаси орқали, энг аввало, мулкдор ва хусусий мулк борасидаги тушунчалар ягона қонунда жамланиб, уларнинг кафолати қатъий таъминланади. Чунки унда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолати тушунчалари, уни амалга ошириш шартлари аниқ белгилаб берилмоқда. Хусусан, қонун лойиҳаси нормаларига мувофиқ хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир ва мулкдор ўзининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича муддат ўрнатилишига йўл қўйилмайди. Мулкдорга фойдасиз шартларни юклаш, жумладан, мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз талаб қилиш, унинг хусусий мулкига бўлган ҳуқуқларидан воз кечишга мажбурлаш ҳам қонунда қатъий тақиқланмоқда.

**Қонун кучга кирган пайтдан бошлаб хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишга қаратилган давлат органлари, шунингдек, судларда кўриб чиқилаётган ишлар тўхтатилади ва низолар мулкдорлар фойдасига ҳал этилади.**

Шу билан бирга лойиҳада хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш мумкин эмаслиги ва давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулкнинг дахлсизлигини назарда тутувчи меъёрлар киритилган. Эътиборли жиҳати шундаки, қонун кучга кирган пайтдан бошлаб, хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишга қаратилган давлат органлари, шунингдек, судларда кўриб чиқилаётган ишлар тўхтатилади ва низолар мулкдорлар фойдасига ҳал этилади. Ҳужжатда мулкдорнинг ўз мулкига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича судга қилган мурожаатлари учун давлат божи олинмаслиги ҳам кўзда тутилаяпти.

**— Лойиҳани тайёрлашда жаҳон тажрибаси, бу борадаги меъёр ва талаблар ҳисобга олиндими?**

— Ушбу ҳужжатни тайёрлашда миллий анъаналаримиз ва хорижий мамлакатлар тажрибаси чуқур таҳлил қилинди. Бунда Англия, Германия, Франция ва АҚШ каби давлатлар қонунчилигидаги хусусий мулкни амалга ошириш, қўриқлаш ва ҳимоялаш борасидаги меъёрлар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ҳам ҳисобга олинди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳужжат O`zLiDePга партиянинг Сайловолди дастурида эълон қилинган: «Хусусий мулк дахлсиздир. Партия ўзининг кундалик фаолиятида ушбу конституциявий тамойилни ҳимоя қилади ва ҳаётга татбиқ этади» деган тамойилни рўёбга чиқариш имконини беради.

*Суҳбатдош: Қ.САЙДАЛИЕВ*

# ҚИШЛОҚДА САВДО МАЖМУАСИ

**Қўштепа туманининг Қумтепа қишлоғи марказида янги «Файз» савдо мажмуаси ишга тушди. Мазкур иншоот «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 1,5 млрд. сўмлик маблағи эвазига бунёд этилди. Айни пайтда бу ерда 100 га яқин маҳаллий саноат корхоналарининг ихтисослаштирилган дўконлари ҳамда кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида. Пештахталарга қўйилган мева ва полиз, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг сифати ҳамда нисбатан арзонлиги харидорларга манзур бўлмоқда. Эътиборлиси, янги мажмуа фойдаланишга топширилиши муносабати билан 100 кишининг доимий бандлиги таъминланди.**

# Инқироз домидаги дунё

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ БЎҲРОН ТУФАЙЛИ ДУНЁНИНГ 54 МАМЛАКАТИ АҲОЛИСИНИНГ 1990 ЙИЛГА НИСБАТАН КАМБАҒАЛЛАШГАНИНИ, 20 ДАН ОРТИҚ МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ОЧЛИКДАН АЗИЯТ ЧЕКАЁТГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ**




**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**

Уч тоифага бўлиб ўрганилган давлатлар орасида Ўзбекистоннинг **26** та тез суръатларда ривожланаётган давлатлар рўйхатига киритилгани эса бизга фахр ва ифтихор бағишлайди, албатта. Бундай далиллар яна бир бор «ўзбек модели» халқаро эътирофга сазовор бўлаётганининг амалдаги тасдиғидир. Энг муҳими, ХВЖ ҳам, Жаҳон банки экспертлари ҳам **2012** йилда энг юқори иқтисодий ўсиш Ўзбекистонда кузатилиши ва йиллик ўсиш **8** фоиздан кам» бўлмаслигини эътироф этмоқдалар.

Расмий маълумотларда, шунингдек, 34 мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси, 12 мамлакатда эса болаларнинг бошланғич мактабларга қатнаш кўрсаткичи пасайгани таъкидланаяпти. ҳатто ривожланган давлатларда ҳам ўрта салмоғи камайиб, бойлар ва қашшоқлар ўртасидаги тафовут ошиб бормоқда.

2008 йилда Ер юзининг ривожланган давлатларида бошланиб, бошқа ўлкаларни ҳам қамраб олган молиявий танглик туфайли камида 40 миллион киши ўз иш жойидан маҳрум бўлди. Бугун дунёнинг энг етакчи давлати — АҚШнинг ташқи давлат қарзлари 14 триллион доллардан ошиб кетди. Мамлакатнинг молиявий маркази — Уолл-стритдан бошланиб, кейинчалик бутун Америка шаҳарларига тарқалган норозилик намойиши бир неча ойдан бери давом этмоқда. Ижтимоий ҳимояга йўналтирилаётган ёрдамларнинг қисқартирилишига қарши норозиликлар давом этаётганига қарамай, Федерал ва штатлар даражасида қабул қилинган 40 мингдан ортиқ қонунларнинг аксарияти ижтимоий лойиҳаларни қисқартиришни кўзда тутади. Европа Иттифоқи давлатларидаги вазият эса бундан-да абгор. Европа оиласининг ягона пул бирлиги — евро тақдири ҳануз хавф остида. Ягона пул бирлиги маконига кирган ҳар бир давлат миллий валютага қайтиш ҳақида бош қотирган вақтлар ҳам бўлди. Кузатувчиларнинг фикрича, тезкор чоралар кўрилмаса, глобал миқёсдаги инқирознинг навбатдаги тўлқини бошланиши ҳеч гап эмас. Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки каби халқаро молиявий ташкилотлар инқироз домидаги давлатларга ботқоқдан чиқишнинг бирдан-бир йўли ижтимоий ёрдамлар миқдорини камайтиришда, деб билмоқда. Бироқ бу таклиф дунёнинг аксарият давлатларида қаршиликка дуч келаётир.

Хитой ҳукумати томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, мамлакат иқтисоди ўтган йилнинг охирги чорагида энг паст суръатда ўсган. Ички ялпи маҳсулот 2011 йилнинг сўнгги уч ойида 2010 йилнинг охирги чорагига нисбатан 8,9 фоизга ўсган. Учинчи чоракда эса бу миқдор 9,1 фоизга тенг бўлган эди. Хитой статистика бюроси ҳисоб-китобларига қараганда, ўтган йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажми 9,2 фоизга ўсган. Ҳолбуки, 2010 йилда ривожланиш суръати 10,3 фоизни ташкил этган эди. Таҳлилчилар Хитой иқтисодий ўсиши 2012 йилда янада секинлашишини тахмин қилмоқдалар. — 2012 йил охирига келиб ўсиш суръати янада секинлашаётганининг гувоҳи бўламиз. Чунки Хитойда пул сиёсати ўзгармоқда» — дейди HSBC Хусусий Банкининг Осиё бўйича етакчи мутахассиси Аржуна Маҳендран.

Маълумки, Хитой охирги йилларда иқтисодиёти энг тез ўсаётган мамлакатлардан бирига айланди. Бироқ кейинги пайтда амалиётга киритилган айрим чора-тадбирлар бозорда қимматбаҳо қоғозларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши хавфини яратди. Шунинг учун ҳукумат эҳтиёткорлик билан ўсиш суръатини секинлаштириш йўлларини излашга ўтган. Жумладан, кўчмас мулк ва сармоя бозорлар айланишини секинлаштириш учун аҳолига қарз бериш тартиблари мураккаблаштирилди. Бундай сиёсат натижасида мамлакатда кўчмас мулкка сармоя киритиш 2011 йилда 27,9 фоизга ўсди. Бу эса 2011 йилга нисбатан роппа-роса 3 фоизга камдир. Мутахассислар иқтисодий ўсишнинг секинлашувига биргина ички омиллар таъсир кўрсатмаётганини таъкидлашмоқда. Чунончи, АҚШ ва Европада Хитой маҳсулотлари ва хизматларига талабнинг камайиши туфайли мамлакатда экспорт кўлами пасайди. 2011 йилда Хитой завод ва фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори 13,9 фоизга ортган, бироқ бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан анча кам.

Айтиш жоизки, глобал тангликдан энг кўп азият чеккан бу — Европа Иттифоқи аъзолари саналмиш давлатлар бўлди. Маълумки, 2011 йили еврохудудда содир бўлган танглик бутун дунё иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Маълумки, Европа валюта иттифоқидаги заиф ҳалқалар сафида 2011 йилнинг баҳорида Португалия тилга олинган эди. Март ойида рейтинг агентликлари мамлакатнинг қарз мажбуриятлари баҳосини бир неча даражага туширгач, бозор облигациялар нархига салбий таъсир кўрсатди. Хуллас, Португалиядаги аҳвол Греция ва Ирландияда бундан бир неча ой аввал рўй берган иқтисодий инқироз сценарийси бўйича давом этди. Юзага келган муаммони ҳал қилишга уринишда ҳам бир хил "рецепт" тақдим этилди: брюсселлик "шифокорлар" Лиссабонга давлат бюджетини қатъий иқтисод қилиш шарти билан 78 миллиард евро миқдорида уч йилга имтиёзли кредит ажратишди. Бироқ молиявий инқирознинг биринчи қурбонлари билан рўй бергани каби, бу кўмак вақтинчалик жон сақлаш учунгина эканлиги сезилиб қолмоқда.

Тўғри, 2011 йилнинг ёзи Европа молия бозорларида нисбатан сокин кечди. Бироқ август ойига келиб вазият бутунлай ўзгарди: бу сафар еврохудуднинг йирик давлатларидан бири — Италиянинг ўз мажбуриятларини адо этиши хавф остида қолган эди. Ҳар қалай, Европа Иттифоқининг тўлақонли кўмак бериш хусусидаги ваъдасидан кейин мамлакатни жар ёқасидан қайтариб олиш имконияти туғилди. Сильвио Берлускони ҳукумати истеъфога чиқиб, унинг ўрнини иқтисодчи Марио Монти эгаллагани ҳам ўз самарасини бермай қолмади.

Умуман, Европа мамлакатларида рўй берган иқтисодий инқирозлар ҳукуматларнинг алмашувига олиб келиши оддий ҳолга айланди. Ўтган йилнинг март ойидаёқ Португалия бош вазири Жозе Сократеш истеъфога чиқди. Ноябрь ойида Берлускони шундай йўл тутишга мажбур бўлди. Испанияда бўлиб ўтган сайловларда эса Хосу Луис Сапатеро партияси мағлубиятга учради.

Европа мамлакатлари ичида Греция энг кўп жафо чеккан давлат бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Оқибатда ҳатто ўз партиядошларидан ҳам етарли мадад ололмаган Папандреу референдумни бекор қилиб, истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Янги ҳукуматни худди Италияда бўлгани каби молиячи Лукас Пападемос бошқара бошлади.

Кўҳна қитъада айрим ҳолларда сиёсий манфаатлар иқтисодий манфаатлардан устун кўрилаётгани ҳам бор гап. Мисол учун, ўтган йил октябрь ойида Европа молиявий барқарорлик жамғармаси миқдорини ошириш бўйича ўтказилган умумевропа овоз йиғилиши тадбирини Словакия йўққа чиқаришига бир бахя қолди.

Маълумки, ўзининг молиявий мустақиллигини қадрлайдиган Буюк Британия евро ҳудудига кирмаган. Шунга қарамасдан, бошқа давлатлар евро тақдири ҳал бўлаётган шароитда Лондон биз билан ҳамкорлик қилади, деган умидда эдилар. Бироқ ўтган йилнинг декабрь ойида ЕИнинг шартномага давлатларо бирлашмани янада мустаҳкамлашга, келажакда янги молиявий инқирозлар юзага келишининг олдини олишга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги таклифини консерватив инглизлар қўллаб-қувватлашмади. Натижада ЕИ доирасида Буюк Британия шаънига нисбатан танқидлар, жумладан, мамлакатни атайлаб еврони инқирозга олиб боришга ҳаракат қилаётганликда айблашлар кучайди. Бу эса ЕИда молиявий вазият билан бир қаторда сиёсий қарама-қаршиликлар ҳам ортиб бораётганини кўрсатади.

Ноябрь ойи бошларида эса Германия канцлери Ангела Меркельнинг Греция ва яна бир неча мамлакатларни евро зонасидан чиқариб юборишга ҳаракат қилаётгани ҳақидаги хабарлар оловга мой сепгандай бўлди.

Америкалик сиёсий эксперт Филиппа Мальмгрен эса немисларнинг ўзи евронинг келажагига ишонмай қўйишгани боис аллақачон янги валютани чоп этишга киришганлигини таъкидламоқда.

Айнан ноябрь ойида Германияда навбатдаги облигациялар сериясининг кимошди савдоси муваффақиятсизликка учрагани ҳам турли талқинларга сабаб бўлмоқда.

Хуллас, евронинг, Европа Иттифоқининг келажаги хусусида миш-мишлар, тахминлар, башоратлар кўп.

Тўғри, 2011 йилни бир амаллаб дефолтсиз якунлашга эришилди. Бироқ мутахассислар Грециядаги вазиятнинг шунга яқинлигини, еврохудудда валютани мустаҳкамлаш учун кўрилаётган чора-тадбирларни эса вақтинчалик, деб ҳисобламоқдалар.

Хўш, европаликлар оғир молиявий тангликни енгиб ўта оладиларми, евро умумий валюта сифатида ўз мавқеини сақлаб қоладими? Шубҳасиз, бу саволларга 2012 йили аниқ жавоб қайтарилади. Бироқ машҳур HSBC банкининг «Дунё 2050 йилда» деб номланган маърузасидаги Европа давлатларида кейинги бир неча ўн йилликда иқтисодий ўсиш пасайиб бориши борасидаги башоратларига қулоқ тутсак, вазият қанчалар мураккаб эканини англаб етамиз. Уч тоифага бўлиб ўрганилган давлатлар орасида Ўзбекистоннинг 26 та тез суръатларда ривожланаётган давлатлар рўйхатига киритилгани эса бизга фахр ва ифтихор бағишлайди, албатта. Бундай далиллар яна бир бор «ўзбек модели» халқаро эътирофга сазовор бўлаётганининг амалдаги тасдиғидир. Энг муҳими, ХВЖ ҳам, Жаҳон банки экспертлари ҳам 2012 йилда энг юқори иқтисодий ўсиш Ўзбекистонда кузатилиши ва йиллик ўсиш 8 фоиздан кам бўлмаслигини эътироф этмоқдалар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли бугун Ўзбекистон халқи бошини баланд кўтариш бахтига муяссар бўлди. Дунёдаги кўплаб ривожланган ва ривожланаётган айрим мамлакатлар ҳанузгача қарздорлик, нотинчлик ва бекарорлик ўчоғидан узоқлаша олмаётган бир пайтда Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. 2011 йилнинг якунлари бўйича тилга олинган рақамлар, билдирилган хулосалар ва белгилаб олинган устувор вазифаларни таҳлил этар эканмиз, кечаги кунлар билан бугунги кунни қиёслаб, эришилган натижалар салмоғини яна бир бор ҳис этамиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби ўнлаб хорижий тилларга таржима қилингани ва жаҳонда илмий асосда чуқур ўрганилаётганининг моҳияти ҳам шунда.

воқеалар, далиллар, шарҳлар



## АКРОПОЛЬ ИЖАРАГА

**ГРЕЦИЯДА ҲУКМ СУРАЁТГАН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ҲУКУМАТНИ ТУРЛИ ДАРОМАД МАНБАЛАРИНИ ИЗЛАШГА МАЖБУР ЭТМОҚДА**

**Мамлакатда ҳатто тарихий ёдгорликларни ижарага бериш ҳам йўлга қўйилаяпти. Масалан, айни пайтда машҳур Акрополни кунига 1600 евро эвазига ижарага олиш мумкин бўлиб қолди. Ушбу ғоя муаллифи «Янги демократия» консерватив партияси депутати Герамисо Гиакоуматосдир. У бундан бир йил аввал «Ҳукумат маошларни қисқартириш ўрнига тарихий ёрдгорликларни ижарага бериши мумкин», деган эди. Мазкур ҳолатни «Этник греклар олий кенгаши» бирлашмаси аҳмоқлик ва шармандалик, дея баҳоламоқда. Лекин ана шундай муносабатларга қарамай, археолог ва тарихчилар Герамисони қўллаб-қувватлашаяпти. Маданият вазирлиги эса мамлакатнинг асосий меъморчилик обидаларининг ижарага берилишини расман тасдиқлаб қўйди. Лекин ОАВда ижарага биринчи бўлиб Акрополь қўйилгани маълум қилинмоқда. Аввалига фильм суратга олиш учун бир кунлик ижара ҳақи 4000 евро тарзида белгиланган бўлса, кейинчалик бу нарх 1600 еврога туширилди. Яқин орада бошқа тарихий обидалар учун ҳам ана шундай нархлар эълон қилиниши кутилмоқда.**



## «COSTA CONCORDIA» ЧЎКИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

**ХАБАРЛАРГА ҚАРАГАНДА, COSTA CONCORDIA КРУИЗ ЛАЙНЕРИ ҲАЛОКАТГА УЧРАГАН ҲУДУДДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН**

**Италия вазирлар кенгаши ҳудудида экологик ҳалокат хавфи юқори эканини маълум қилмоқда. Маълумотларга кўра, улкан лайнер бакларида 2,4 минг тоннага яқин ёнилғи бўлиб, агар у денгизга ғарқ бўлса, қўриқхона зонасининг экотизими катта талофат кўради. Шу боис вазирлар кенгаши Италия атроф-муҳитни ҳимоя қилиш вазири Коррадо Клинининг фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисидаги таклифини маъқуллаган. Мутахассисларнинг фикрича, ёнилғини насос билан тортиб чиқариш 28 кунга чўзилиши мумкин. Аммо вазият сув ости қоясида ётган кеманинг чўкаётгани билан мураккаблашмоқда. Маҳаллий журналистлар эса чўкиш тезлиги соатига 7 миллиметрни ташкил этаётгани ҳақида ёзмоқдалар.**

**Эслатиб ўтамиз, Costa Concordia лайнери 14 январь куни Тиррен денгизида Жильо ороли ёнида ҳалокатга учраган. Унинг бортида 4,2 мингдан зиёд киши бўлган.**

## ОВОЗЛАР БЎЛИНДИ

**ФИНЛЯНДИЯДА БЎЛИБ ЎТГАН НАВБАТДАГИ ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИДА ҲЕЧ ҚАЙСИ НОМЗОДГА 50 ФОИЗДАН ОРТИҚ ОВОЗ ТЎПЛАШ НАСИБ ҚИЛМАДИ**



**Саккиз нафар номзоддан дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, Миллий коалицион партия етакчиси Саули Ниинисто 37 фоиз овоз билан биринчи ўринда бормоқда. Ундан кейин «Яшил иттифоқ» партияси етакчиси Пекка Хаависто кетаяпти. Уни 18,8 фоиз сайловчилар қўллаб-қувватлаган. «Финляндия маркази» партияси номзоди Пааво Вяюрюнен эса 17 фоиз овоз билан учинчи ўринни эгаллаб турибди.**

**Президент сайловининг 5 февраль куни бўлиб ўтадиган иккинчи турида Ниинисто ва Хаависто кураш олиб боради.**

**Маълумки, Финляндияда президент олти йилга сайланади. Амалдаги давлат раҳбари Тарья Халонен мамлакат тарихидаги биринчи аёл-президент ҳисобланади.**

*Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади*

# СЎНГГИ САҲИФА



## Тезроқ, кучлироқ, чаққонроқ

### ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ (МОҚ) ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 20 ЙИЛ ТЎЛДИ

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»




Маълумки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган Олимпия ўйинларида юртимиз довруғини ёйишга бел боғлаган ҳар бир спортчига шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўнлаб спорт федерациялари учун замонавий услубдаги янги объектлар барпо этилган бўлса, юзлаб спортчиларимиз махсус кийим ва зарур анжомлар билан таъминланди. Мутасадди ташкилотлар ташаббуси билан терма жамоа аъзолари учун бир қатор ўқув-йиғин машғулотлари ҳамда тажрибали спортчилар иштирокида мастер-класслар ташкил этилди.

Ўз навбатида, 1993 йилнинг сентябрь ойида Халқаро Олимпия қўмитасининг (ХОҚ) тенг ҳуқуқли аъзосига айланган МОҚ томонидан олимпиячиларни тайёрлайдиган мутахассислар малакасини ошириш, спортчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга мусобақа тартиб-қоидаларига тааллуқли маълумотларни етказиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди.

Аҳамиятлиси, мустақил Ўзбекистон олимпиячилари иштирок этган илк мусобақа — 1994 йилги XVII қишки Олимпия ўйинларида (Лиллехаммер, Норвегия) ҳамюртимиз Лина Черязова фристайл бўйича биринчи ўринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлди.

1996 йил АҚШнинг Атланта шаҳри мезбонлик қилган Олимпия ўйинларида Ватанимиз шаъни учун курашган спортчиларимизнинг икки нафари (дзюдочи Армен Багдасаров «кумуш», боксчи Карим Тўлаганов бронза медаль билан тақдирланган) шоҳсупага кўтарилган бўлса, 2000 йил Сиднейда ўтказилган мусобақаларнинг бокс баҳсларида барча рақибларини енгган Муҳаммадқодир Абдуллаев ёзги Олимпиадада ўзбекистонликлар томонидан қўлга киритилган дастлабки «олтин»га эгалик қилди. Бундан ташқари, Австралияда терма жамоамиз хазинасига эркин курашчимиз — Артур Таймазов («кумуш»), боксчиларимиздан — Сергей Михайлов ва Рустам Саидов («бронза») ҳам ўз улушларини қўшдилар.

2004 йил Афинада ўтказилган мусобақаларда Артур Таймазов ва Александр Доктурашвили (юнон-рум кураши) ўз йўналишлари бўйича тенгсиз, деб топилган бўлсалар, яна бир курашчимиз Магомед Ибрагимов «кумуш», боксчиларимиздан Баҳодиржон Султонов ва Ўткирбек Ҳайдаров «бронза»га лойиқ топилдилар.

Тўрт йил аввал Пекинда ташкил этилган ўйинларда энг оғир вазнли полвонимиз Артур Таймазов иккинчи «олтин»ини қўлга киритиб, бу борада ўзига хос рекорд ўрнатган бўлса, Абдулла Тангриев (дзюдо) ва Сослан Тигиев (эркин кураш) «кумуш», Артур Фокин (спорт гимнастикаси), Ришод Собиров (дзюдо) ва Екатерина Хилько (батутда сакраш) бронза медалларини қўлга киритдилар.

Шу ўринда МОҚ ҳамда мамлакатимиздаги спорт федерациялари мутасаддилари жорий йил июль-август ойларида бўлиб ўтадиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига ҳар қачонгидан кўра каттароқ масъулият билан ҳозирлик кўриб келаётганларини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, бу борада уларга Юртбошимизнинг 2009 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, шу кунга қадар ҳамюртларимиз томонидан оғир атлетика, дзюдо, бокс, велоспорт, бадиий гимнастика, енгил атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, таэквондо, сузиш сингари спорт турлари бўйича 30 га яқин лицензия қўлга киритилди. Бундан ташқари, бу йил футболчиларимизда, шунингдек, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, сузиш, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича ўтказиладиган саралаш баҳсларида иштирок этадиган вакилларимизда ҳам олимпия йўлланмаларига эга бўлиш имкониялари борлигини айтиб ўтиш лозим.

Ишончимиз комилки, ўтган йигирма йил давомида Олимпия ўйинларида жами 18 та (5 та «олтин», 5 та «кумуш» ва 8 та «бронза») медални қўлга киритган спортчиларимиз Лондонда «йигирматалик» довонни забт этиш баробарида янги рекордларни қайд этишга эришадилар. Бинобарин, уларда бунинг учун етарли куч, имконият ва муҳими хоҳиш бор.

## БОЛАЛАР УЧУН 2 ТА «CAPTIVA»

**«GM Uzbekistan» ЁАЖ «SOS—Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмасига иккита «Chevrolet Captiva» автомобилини туҳфа қилди. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ахборот хизматидан хабар қилинишича, «Chevrolet» бренди пайдо бўлганининг 100 йиллиги муносабати билан «General Motors» компанияси томонидан «SOS Kinderdorf International»га аъзо бўлган Европа, Африка ва Осиёдаги маҳаллий ташкилотларга жами 100 дона «Chevrolet» русумидаги автомобилларни совға қилиш режалаштирилганди. Мазкур акция доирасида «SOS—Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» уюшмасига ҳам иккита «Chevrolet Captiva» автомобили ҳадя қилинди. Таъкидлаш жоиз: «SOS— Ўзбекистон Болалар маҳаллалари» ассоциацияси 1997 йилда қаровсиз қолган болаларга руҳий мадад кўринишида оилавий шарт-шароит яратиб бериш мақсадида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда шундай маҳаллалар Тошкент, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида фаолият кўрсатмоқда.**




Қиш фаслининг иккинчи ойи ҳам поёнига етиб бормоқда. Шу ҳафта охири ва кейинги ҳафта ўрталаригача мамлакатимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади, баъзи жойларга туман тушиб, қор ёғиши кутилмоқда. Гидрометеорология маркази хабарига кўра, **26** январь-**2** февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, **29** январда қор ёғади. Ҳарорат **26** январда кечаси **12-17**, кундузи **2-7** даража совуқ, **27-29** январда кечаси **8-13** совуқ, кундузи **2** даража совуқ-**3** даража илиқ бўлиши кутилмоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларининг баъзи ҳудудларига туман тушади, шамол ғарбдан **7-12** м/с. тезликда эсади. Ҳарорат кечаси **1-6** даража совуқ, кундузи **1-6** даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолида кечаси **8-13**, кундузи **0-5** даража совуқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, **26** январда вақти-вақти билан ёмғир ва қор ёғади. Ҳарорат кечаси **1-6** даража совуқ, кундузи **1-6** даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси **2** даража совуқ-**3** даража илиқ, кундузи **5-10** даража илиқ бўлишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, айрим жойларга туман тушади. Шамол шарқдан **7-12** м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси **1-6** даража совуқ, кундузи **1-6** даража илиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, **26** январь куни ёмғир ва қор ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси **1-6** даража совуқ, кундузи **1-6** даража илиқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси **7-12**, кундузи эса **0-5** даража совуқ бўлади.

## PRISTA OIL ЭНДИ ТОШКЕНТДА

### БОЛГАРИЯНИНГ PRISTA OIL HOLDING EAD КОМПАНИЯСИ 2012 ЙИЛ ОХИРИГАЧА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҚИЙМАТИ 15 МЛН. ДОЛЛАРЛИК МОТОР МОЙЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАЙДИ, ДЕЯ ХАБАР БЕРИЛМОҚДА OLAM.UZ САЙТИДА




Соҳа мутахассислари мазкур лойиҳа компаниянинг 7,65 млн. доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестицияси ҳамда «Ўзнефтмаҳсулот» АКнинг 7,35 млн. доллар маблағи эвазига амалга оширилишини таъкидламоқдалар.

Маълумки, 2011 йил сўнггида Prista Oil АҚШнинг Texaco Overseas Holdings Inc компаниясининг Uz-Texaco МЧЖ қўшма корхонасига тегишли 50,1 фоиз акцияларини сотиб олган эди. Кейинчалик Uz-Texaco қўшма корхонаси «Uz-Prista Oil» дея қайта номланди.

Мазкур корхона базасида Болгария компанияси жорий йилда лойиҳа қуввати йилига беш минг тоннани ташкил этувчи юқори сифатли синтетик ва ярим синтетик мойлар ҳамда антифриз ишлаб чиқариш корхонасини ҳам ташкил этмоқчи.

Айни пайтда эса Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи базасида мазкур қўшма корхона Havoline, Ursa, Gearrtex, Rando брендлари остида сертификатланган мотор, гидравлик, трансмиссион ва бошқа мойларнинг 30 га яқин турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Маҳсулотнинг қарийб 70 фоизи Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

реклама







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ⓣ -Тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 3739. Тираж: 18 490
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
ISSN 2181-497X
Навбатчилар:
Қ.САЙДАЛИЕВ, М.РЎЗИЕВ.